Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

№ 23 (5619).
Баҳоси: обунага 16 тийин, сотувда 60 тийин.

ИЖОДИЙ ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Қўрғонтепа район халқ таълими бўлими методика кабинети кейинги йилларда мактаблар, болалар боғчаларида таълим ва тарбия ишининг самарадорлигини ошириш борасида изланувчан фаолият кўрсатишмоқда. Ижодий ишлаётган ўқитувчиларнинг слётларини уюштириш, мактабларда фан ҳафталикларини ўтказиш, болалар боғчаларида методик фестиваллар ташкил этиш, ўқитувчиларнинг педагогик ва методик йўналишдаги давра суҳбатлари, мактаб кунлари, мактабларда район методика кабинети кунлари каби кўплаб фойдали учрашувлар ва тадбирлар ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини оширишда, уларнинг дарс ва бошқа машғулотларни янги усулларда ўтказиш бўйича изланиш ва ижодкорлигини ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир фан, ҳар бир педагогик йўналишнинг ўз усталари бор. Уларнинг янги тажрибалари, билим ва изланишлари натижаларини оммалаштириш бугунги кунда, айниқса, муҳимдир. Ана шу мақсадда районда моҳир педагогларнинг уюшмасини тузиш ғояси туғилди.

Яқинда эса райондаги ижодий ишлаётган барча ўқитувчи ва тарбиячилар йиғини ўтказилиб, мазкур ғоя муҳокама қилинди ва бир фикрга келинди. Йиғилиш қарори билан ижодий ишлаётган ўқитувчиларнинг район уюшмаси тузилди. Уюшма раҳбари этиб моҳир педагог, Ленин номли 1-ўрта мактаб директори Равиля Саркина сайланди. 71 нафар энг тажрибали, ижодкор ўқитувчилар аъзо бўлган бу уюшмада барча фан ва йўналишлар бўйича 4 та кафедра ташкил этилди. Уюшманинг Низоми ишлаб чиқилди.

Шу кеча-кундузда уюшма аъзолари барча ўқитувчилар ва тарбиячилар учун фанлар бўйича педагогика ва методика соҳасидаги барча янгилик ва изланишлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқмоқдалар. Улар илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштиришда мактаб педагогика жамоаларига, район методика кабинетига ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

А. МАҚСУДОВ,
Қўрғонтепа район халқ таълими бўлимининг мудири.

Жумҳуриятимиздаги кечки мактабларда таълим олаётган ўқувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар таълимнинг бошқа турларида сабоқ олаётганларникидан кам эмас.

Суратларда: Тошкентдаги 20-илм даргоҳи қошида ташкил этилган кечки-сменали мактаб ўқувчилари сабоқ олаётган пайт акс эттирилган.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими ходимлари ва мактаб ўқувчиларини моддий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида ҳам жойларда ибратли ишлар олиб борилмоқда. Буни яхши тушунган Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» жамоа хўжалиги ҳам қатор амалий тадбирларни кўрмоқда.

Хўжалик ҳудудида еттита мактаб мавжуд. Ҳар бир билим даргоҳига яқиндан оталиқ ёрдами бериб келинмоқда. Хўжалик раҳбарияти ташаббуси билан ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш режалари белгилаб олинди. Аълочи ва жамоатчи ўқувчилар рўйхати тузилиб, уларни стипендиялар билан таъминлаш мақсадида ўн минг сўм пул ажратилди. Намунали оилалар ҳам моддий ёрдамдан четда қолганлари йўқ. Ахлоқли, меҳнатсевар фарзандларни тарбиялаб вояга етказаётган ота-оналарни рағбатлантириш тадбирлари кўрилиб, шу мақсад учун хўжалик йигирма минг сўм пул сарфлади.

С. ОДИЛОВА.

КЕЧКИ МАКТАБНИНГ КУНДУЗГИ ТАШВИШЛАРИ

Ёшлар таълим-тарбиясини йўлга қўйишда уларга сабоқ бериб, касб-ҳунар ўрганишга йўналтиришда кундузги мактаблар қаторида кечки ўқитиш мактабларининг ҳам фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, бу ўқув масканларидаги ечимини кутаётган қатор муаммолар, қувонч ва ташвишлар ҳам ўзига лойиқ, кундузги илм даргоҳларинникидан кам эмас. Афсуски, кейинги пайтларда бу илмхоналар кўпчилик назаридан четга чиқиб қолганди. Вақт тизгини эса бу ерда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ, ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп эканлигини амалда исботламоқда...

Шаҳрисабз шаҳридаги Макаренко номли кечки мактаб ҳақида кўп эшитгандим. Бироқ ўқув даргоҳидаги қилинаётган ишлар билан танишишнинг фурсати бўлмаганди. Ниҳоят, ана шу мактабдаман. Синфхоналар турли кўргазмали қуроллар, ўқув воситалари билан жиҳозланган. Вақт алламаҳал бўлганлигига қарамай, мавжуд ўн олтита синфнинг барчасида ўқувчилар мароқ билан сабоқ олишмоқда.

Ярим очиқ турган эшиклар тирқишидан мўралайман. Уларнинг бирида меҳнат дарси, бошқасида эса физика, химия каби фанлар ўтилмоқда. Қизиғи шундаки, дарслар кундузги мактабларникига нисбатан мураккаброқ, қизиқарлироқ олиб борилаяпти. Аниқроғи, бу ерда ўтиладиган дарслар асосан касбга йўналтирилган. Турли ёшдаги ўқувчилар ўз соҳалари бўйича сабоқ олмоқда.

Яна бир синфхонани кузатаман. Энди бу ерда ўқувчилар эмас, мактаб директори Анваржон Холмирзаев турли хилдаги қоғозлар, лойиҳа шаклидаги чизмаларни кузатиш билан банд бўлиб ўтирибди. Мактаб ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида уни суҳбатга чорлайман.

— Кечки мактабимизда ўн олтита синф бўлиб, унда 400 нафардан ортиқ ҳар хил соҳа мутахассислари сабоқ олишади. — Мактабимизда кўпроқ таълим ва ҳунарга йўналтириш асосий мақсад ҳисобланади. Шу жиҳатдан қаралса, бир қанча болалар боғчаси учун тарбиячилар ҳамда шаҳар «Зангори экран» бирлашмаси билан шартнома тузиб, уларга керакли мутахассислар, бичиш-тикиш курси, чет тилларини ўрганиш бўлими каби мутахассисликлар тайёрланиб, мактабни тугатиб чиққанлар фақат аттестат олиб қолмасдан, балки тўғридан тўғри ташкилотларга тайёр мутахассис сифатида ишга юборилади.

Айни кунда мактабнинг алоҳида ҳисоб дафтари бўлиб, унда 72 минг сўм пул келган фойдадан жамғарилган; шунингдек, педагоглар ҳам жамоа катта эътибор бериб келаяпти. Бир мисол. Ана шу кечки илм даргоҳи қошида тикиш-бичиш ширкати ташкил этилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот аҳолига сотилмоқда. Бу маҳсулотларга эса аҳоли талаби ортиб бормоқда. Келган фойданинг бир қисми мактаб фондига, қолганлари эса ўқувчиларга, педагоглар жамоасига тарқатилаётганлиги дилни қувонтиради. Фикр жонлироқ бўлиши учун ўтган йил якунига назар солишни истардик.

Мана, кундузги илм масканларидагига нисбатан бу ердаги афзалликлар. Дарвоқе, оталиқ ташкилотларининг мактабга кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳам бу жойда анча яхши. Ўқувчи ва ўқитувчиларга шарт-шароит яратиб беришда, уларни шу даргоҳдан олган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашда бош-қош бўлишаяпти. Шу ўринда шаҳар пиллакашлик фабрикаси, консерва заводи, ёғ заводи ҳамда пахта тозалаш заводларининг мактабга кўрсатаётган ғамхўрлигини тилга олмаслик инсофдан бўлмаса керак.

Энди яна бир нарса: мактабнинг моддий базасини яратиш, бозор иқтисоди шароитида ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш масалаларига ҳам жамоа катта эътибор бериб келаяпти. Бир мисол. Ана шу кечки илм даргоҳи қошида тикиш-бичиш ширкати ташкил этилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот аҳолига сотилмоқда. Бу маҳсулотларга эса аҳоли талаби ортиб бормоқда. Келган фойданинг бир қисми мактаб фондига, қолганлари эса ўқувчиларга, педагоглар жамоасига тарқатилаётганлиги дилни қувонтиради. Фикр жонлироқ бўлиши учун ўтган йил якунига назар солишни истардик.

Айни кунда мактабнинг алоҳида ҳисоб дафтари бўлиб, унда 72 минг сўм пул келган фойдадан жамғарилган; шунингдек, педагоглардан энг илғорлари, аниқроғи, 16 нафар киши 100 сўмдан матбуот нашрларига обуна қилиниб, ўқувчилар ҳам 100—150 сўмдан даромад олган ҳамда оилавий шароити оғир бўлган ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатилган. Булардан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари қаторида мактабнинг педагогик жамоаси ўн учинчи ойлик билан, 250—300 сўмдан мукофот пули олганликларини қайд этиш лозим. Бироқ ҳар галгидек, ютуқлар ортида ечими тез кунда ҳал этилиши ва бу муаммолар кимларгадир бориб тақалишини айтиб ўтиш биз журналистларга ҳам, бошқа кўплаб кишиларга ҳам тарки одат бўлиб қолган. Фикрлар айтилаверади, гаплар гапирилаверади. Амалда эса...

Яхшиси ана шулар хусусида мактаб директори Анваржон Холмирзаев фикрини келтирмоқчимиз:

— Кечки мактабни юксалтиришдан кўзланган асосий мақсад шуки, аввало, ўқувчиларга таълим бериб, уларни иш билан таъминлаш, шунингдек, мактабни битириб чиққандан кейин ҳам вақти-вақти билан ўқувчиларимизнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришдир. Тан олиб айтиш керак, кундузгида ўқий олмаган, баъзида эса уларда хулқи ёмон деб топилган болалар бизга ўқишга келиб, ҳаётда ўз йўлларини топиб, мамнун бўлиб кетишмоқда. Аммо уларни касбга йўналтириш учун ҳунар ўргатишда бироз қийналяпмиз. Сабаби — мактабнинг ўзида ташкил этилган ширкатга кетаётган хомашёни, гарчи вилоят халқ таълими бўлими қошида шундай имконият бўлса-да, биз ҳанузгача чайқовчилардан сотиб оламиз. Бу ишимизнинг юксалишига улардан ёрдам бўлмаяпти. Ёки шаҳар солиқ солиш маҳкамаси ҳам бизга ўқув даргоҳи сифатида эмас, балки қандайдир бир ташкилот сифатида қарайди. Эътибор беринг, бинодан фойдаланиб ўқитганимизга ўртача 37 фоиз, яна бошқаси учун эса 26 фоиз чигириб қолишади. Яъни бу ҳар 1000 сўмдан 307 сўм ана шунга тўланиши керак. Хўш, бунга қандай тушунса бўлади ?Наҳотки катта бир ташкилотнинг куни кечки мактабга қолган бўлса!.. Афсуски, буни кўпчилик билса-да, бироқ лом-мим дейишмаяпти.

Яна бир муаммо бизни ташвишлантирмоқда. Мактабимизда бешта курсдан иборат тарбиячилар гуруҳини очганмиз. Бу гуруҳларда бевосита педагогика билан боғлиқ бўлган, боғчаларда меҳнат қилиб тажриба орттираётганлар ўқишади. Лекин кейинги пайтларда, айтайлик, билим жамияти, бошқа турли ташкилотларда ҳам шундай гуруҳлар ташкил этилмоқдаки, уларда педагогикадан мутлақо йироқ бўлганлар таълим олиб, ишлаб чиқаришга жойлашиб олмоқда. Натижаси эса кўнгилдагидек эмас.

Кечки мактаблардаги бундай муаммолар фақат Шаҳрисабздаги биргина илм даргоҳи тимсолида олиб қаралаяпти. Аслида эса улар ҳамма жойда ҳам мавжуд.

Гап кечки мактаблар хусусида бораркан, яна бир нарсага алоҳида тўхталишни лозим деб ўйлайман. Ҳозир ҳамма жойда, ҳатто қишлоқларда ҳам ана шундай мактабларнинг ташкил этилаётганлиги сир эмас. Аммо улардаги шарт-шароитнинг етишмаслиги, бунинг устига оталиқ ташкилотларининг ўзини пайсалга солиши керакли даражадаги имкониятларни яратиб беармикин? Назаримда, бу мактабларни бирлаштириб, ягона ўқув даргоҳига айлантириш ҳамда уларнинг юксалиши учун барча имкониятларни қидириб топиш вақти етмадимикин?..

Макаренко номли кечки мактаб ҳаёти билан танишарканмиз, уларнинг келажак режалари ҳам чакки эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Чунончи, эстетик тарбия маркази очиш, бунга иккита кундузги мактаб ҳамда боғчалар киритилиши мўлжалланган. Боғча болаларини шу ёшданоқ араб, инглиз тилларига ўргатиш ва бу боғчалардаги тарбиячи ҳамда методистлар мактаб раҳбарияти билан ҳамкор бўлиб, боғчадан кейин ҳам улар мактабда ўқишни давом эттириб, айтайлик, бешинчи синфгача қўшимча фанлар ўтилади, ундан сўнг ўқувчининг қобилиятига қараб соҳага йўналтирилади. Ниҳоят, тўққизинчи синфга борганда ҳам ўқувчи маълум фанларни ўзлаштира олмаса, унда кечки мактабга ўтказилади, каебга йўналтирилади. Бу режадан кўзланган асосий мақсад — бола таъкидланган барча жараёнда бир киши қўлидан тарбия олади, кундузги мактабга дарс берган ўқитувчи кечки мактабга ҳам сабоқ беради. Булардан ташқари, олий илмгоҳлардан мутахассислар ни таклиф этиш ҳам мўлжалланган...

Хуллас, кечки мактабнинг кундузги ташвишлари жуда кўп. Ана шу ташвишлар замирида ёшларни касбга йўналтириш, уларга сабоқ беришдек машаққатли меҳнат бор. Энг муҳими, мўлжалдаги режалар чакки эмас. Директор хонасидан чиқарканман, унинг қоғозлардаги лойиҳалар, баъзи ҳужжатлар билан жиддий шуғулланиб турганлигининг боисини тушуниб етгандим. Аммо эзгулик йўлида қилиниши лозим бўлган бу ишлар ниҳоясига етармикин, ёки...

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1991 йил 19 ноябрдаги 270-буйруғига асосан 1991—92 ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг она тили ва адабиёт фанлари бўйича III босқич вилоят олимпиадалари 1992 йил январь-февралда; IV босқич жумҳурият олимпиадаси 25 — 29 мартда Наманган вилоятида ўтказилади.

Мазкур буйруқда ва унга илова қилинган «Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси ҳақида Низом»да олимпиадани ўтказишдан мақсад ва вазифалар, уни ўтказиш тартиби, раҳбарлик масалалари ҳақида аниқ йўл-йўриқлар берилган. Шунингдек, олимпиаданинг III ва IV босқичлари учун лозим бўлган топшириқлар ва методик тавсияларни ишлаб чиқиш Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги Жумҳурият ўқув-методика маркази зиммасига юклатилган.

Олимпиаданинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

— умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг она тили ва адабиёт фанлари бўйича назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказиш ҳамда уларнинг мазкур фанларга бўлган қизиқишини ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақоминнинг берилиши муносабати билан умумтаълим мактабларида ўқитилаётган она тили ва адабиёт дарсларининг сифати ва самарадорлигига эришиш;

— ўқувчиларда бадиий адабиётга ва нафосатга меҳр-муҳаббат, эстетик дидни тарбиялаш орқали уларда юксак инсоний маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш;

— қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, улардаги ноёб хислатларни камол топтириш, касб танлашга кўмаклашиш;

— ўқувчиларнинг оғзаки, ёзма нутқ малакаларини ривожлантириш, грамматик саводхонлигини ошириш, мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини тараққий эттиришга кўмаклашиш;

— синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар, таълимий ва тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини кузатиш ва такомиллашишига эришиш:

— она тили ва адабиёт таълими юксак савияда олиб бориладиган манзилгоҳларни, илғор, тажрибали ва ташаббускор, қобилиятли шогирдлар тайёрлаган муаллимларни аниқлаш.

Олимпиаданинг ўтказилиши тартиби:

Олимпиада Низомда кўрсатилган тартибда ташкил этилади.

Вилоят ва жумҳурият олимпиадаси қатнашчилари қуйидаги топшириқларни бажарадилар:

1. Тавсия этилган эркин ёки адабий-ижодий мавзулардан биттасини танлаб иншо ёзиш. Танланган мавзу ўқувчилар билим даражаси, ёши ва иқтидорини ҳисобга олган ҳолда тавсия этилиши лозим. Ҳакамлар ҳайъати иншога беш баллик тизим асосида иккита, яъни саводхонлиги ва мазмунини ҳисобга олган ҳолда баҳо қўяди.

Ишни баҳолашда мавзунинг илмий, адабий-бадиий жиҳатдан аниқ ва пухта, мантиқан изчил ёритилишига, воқелик билан боғлиқ талқин этилишига, ўқувчининг шахсий мулоҳазалари мавжудлигига, айниқса, ўзбек адабий тили қонун-қоидалари асосида саводли ёзилишига асосий эътибор берилади, шунингдек унинг чиройли ҳуснихатда битилиши ҳисобга олинади. Хусусан, бир неча ўқувчи бир хил умумий балл тўплаган тақдирда биринчи галда ўқувчи ижодкорлиги ва саводхондиги инобатга олиниши зарур.

Синфлар бўйича қуйидаги мавзуларда иншо ёзилиши мумкин:

9-синф.
(намуна):

1. Она-юртим — олтин бешигим.
2. Ўзбекистон — мустақил давлат.
3. Мен севиб ўқиган асар.
4. Мен севган ёзувчи (шоир, драматург).
5. Табиатни асрайлик!

10-синф
(намуна):

1. «Ўзбекистон — Ватаним маним».
2. Мисраларда юртим таърифи.
3. Мен севган асар (қаҳрамон, ёзувчи, шоир, драматург).
4. Орол тақдири — олам тақдири.
5. Ота-онага ҳурмат — эзгу хислат.

11-синф
(намуна):

1. Ўзбекистон — миллий мустақиллик йўлида.
2. Маданий меросимизни излаймиз, ўрганамиз ва авайлаб асраймиз.
3. Табиат тақдири — ўзбек ёзувчилари насрида (назмида, драматургиясида).
4. Мен севиб ўрганган асар (шеърият, наср, драма).
5. «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз».

Тилга олинган мавзулар тахминий бўлиб, беллашув кунида шунга монанд мавзулар тавсия этилади. Бироқ беллашув кунигача аниқ мавзулар ҳакамлар ҳайъати томонидан ошкор этилмай сир сақланади, мусобақа бошланиши олдидан ҳакамлар ва ўқувчилар иштирокида иншо варианти тузилади ва синф тахтасига ёзиб қўйилади.

(Давоми 2-бетда).

Фарғона вилояти Қува ноҳиясидаги 9-мактабда она тили ва адабиёт фанини ўқитишга катта эътибор берib келиняпти. Мазкур билим масканида Ю. Фармонова, Ш. Илмдорова, М. Абдурахмонова сингари тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар қалбида она тилига чуқур муҳаббат уйғотишга муваффақ бўлишган. Улар яқинда вилоят миқёсида ўтказиладиган ўзбек тили ўқитувчиларн семинарига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

БОЛАПАРВАР КОРХОНА

Авваллари қоғоз чиқиндиларини ёқиб юборардик. Тўғри-да, уни қишлоқ жойда шаҳарлардагидек топширib, эвазига ноёб моллар ёки тақчил китобларга патталар берадиган ташкилот бўлмаса... Яқинда иккинчи синфда ўқийдиган ўғлим:

— Дада, ортиқча қоғозларингизни ҳеч кимга берманг, мактабда қоғоз тўплаб керакли жойга жўнатарканмиз, улар томимизни ёпгани қорақоғоз беришаркан, — деб қолди.

Бугунги кунда фақат бу ердагина эмас, жумҳуриятимизнинг қаерида бўлманг, қоғоз чиқиндиларини қўлтиқлаган ўқувчиларни учратасиз...

Томёпқич ашёлар корхонаси Поп шаҳридагина эмас, бутун жумҳуриятимизда ҳам етакчи корхоналардан саналади.

Ўтган йилнинг ўзида Санг қишлоғидаги боғча учун 41 минг сўм маблағ ҳадя қилишди. Шунингдек, 330 ўринли (сузиш ҳовузи билан) боғча ишга тушиш арафасида. Шу билан ишчиларнинг боғча ташвишлари батамом тугатилади. Булардан ташқари 4 та мактабдаги ўқувчиларга обуна учун 21 минг сўм пулни ҳам шу корхона ўтказиб берди.

— Бугунги кунда мактаб, боғчаларимизнинг аҳволи ўзимизга маълум. Шунинг учун уларга мўлжалланган ёрдамларимизни бу йил бир неча баробар оширамиз, — дейди корхона директори Тоҳиржон Каримов.

М. САРИМСОҚОВ,
мухбиримиз.

Адабиёт дастури лойиҳаси муҳокамада

ХОЛИС ФИКРИМИЗ ШУНДАЙ...

Аввало шуни айтиш керакки, янги дастур ҳар доим ҳам эскининг инкори бўлмай, маълум бир йўналишга ўзгартирилиши зарур.

Дастурнинг амалдагисидан фарқи ва ютуғи шундаки, ҳар бир бўлим шу даврни яхши ва мукаммал билган адабиётшунос олимлар иштирокида тузилган. Дастурга энг яхши, жозибали, ўқувчилар қалбига тез етиб борадиган асарлар ҳамда ижодкорлар саралаб олинган. Адабиёт тарихини ўрганишни дин тарихи билан боғлаб ўрганиш масаласига, шунингдек, халқ оғзаки ижодига ҳам етарли эътибор берилган.

Ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус адабиётини ўрганишга кўп вақт ажратилганлигини ҳисобга олиб, такрорийликка йўл қўймаслик мақсадида дастур муаллифлари рус адабиёти материалларига ўрин ажратмаганликлари ва бошқа ижобий ўринлар лойиҳани янги томонга, миллийликка қаратилганлигининг далилидир.

Очиқ эътироф этиш керак, лойиҳадаги материалларни ўқувчилар онгига етказиб бериш учун ажратилган дарс соатларию лойиҳанинг ҳажми имконият бермайди. Қолаверса, 90 фоиз она тили ва адабиёт ўқитувчилари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан тайёр эмас.

Биз, ноҳия, шаҳар, жумҳурият мактаблари она тили ва адабиёт ўқитувчилари, кейинги 10 йил давомида ўзбек тилида ўқитиладиган умумтаълим мактабларида адабиётни фан сифатида ўқитишнинг аҳволини яхшилаш мақсадида шу фандан дарс соатларини кўпайтиришни талаб қилиб келдик. Ниҳоят, 1989—90 ўқув йилидан бошлаб она тили ва адабиёт фанини ўқитиш учун дарс соатлари 5-11-синфларда 2 соат ўрнига 3-4 соатга кўпайтирилди. Биз ўқитувчилар дастурда берилган асарлардан тавсия этилган намуналарни синфда ўқувчилар билан бирга ўқиш имкониятига эришамиз, деб қувончда эдик. Ёш ва малакали адабиёт ўқитувчиларига адабиётни ўқитишда фаолият кўламини яратиш зарурати эндиликда адабиёт дастурида ҳисобга олиниши керак эди. Афсуски, бу кўлам мавжуд лойиҳада ҳам ҳисобга олинмаганлиги кишини таажжублантирмоқда. Сабаби — мавжуд дастурда ҳам, янги лойиҳада ҳам ажратилган вақт бюджетига — тақсимотига нисбатан берилган материаллар миқдори камайтирилиши керак эди, аксинча, ҳаддан зиёд кўпайиб кетган.

Лойиҳа 6-синф ўқувчиларига (12 ёшли) йил давомида жами бўлиб 35 та, шу жумладан, «Ўзбек адабиёти тарихи» бўлимида 15 та, «ХХ аср ўзбек адабиёти» бўлимида эса 17 та, қардош халқлар адабиёти бўлимида яна учта адибнинг ҳаёти ва асарларидан берилган намуналарни ўрганишни тавсия этмоқда.

Дастур муаллифлари умумтаълим мактаблари учун тузилган бу лойиҳага олий илмгоҳларнинг тил ва адабиёт куллиётлари талабалари учун тузилган ва амалда қўлланаётган дастур материалларини шундай, фақат қисман ўзгартириш киритган ҳолда тавсия этишган.

Биргина мисол: олий илмгоҳларнинг тил ва адабиёт куллиёти талабалари XIV — XVI асрлар ўзбек адабиёти тарихи бўлимида бор-йўғи 11 та адибнинг ҳаёти ва ижодини 98 соат давомида ўрганса-лар-у, ҳали мурғак 6-синф ўқувчилари бир йилда ўзбек адабиёти тарихи бўлимида 16 та адиб ва шоирларнинг ҳаёти ва асарларидан берилган намуналарни ўрганиб, танишиб чиқса, бу мантиққа тўғри келармикан?

Шунингдек, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» курси дастури 11 қисми, «Адабиётимиз намояндалари» бўлимида такрорланмаган ҳолда, олийгоҳ талабалари марҳум ва ҳозир барҳаёт сиймолардан жами бўлиб 18 нафар ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда асарларини ўрганадилар (қаранг: Ўзбек совет адабиёти тарихи курси дастури. Тошкент, 1988, 26 — 60-betлар). Умумтаълим мактабларининг 9-11-синф ўқувчилари, 18 ижодкорни қўшиб ҳисоблаганда, такрорий равишда 90 га яқин адиб, шоирнинг ҳаёти, фаолияти ва асарларидан намуналар ўрганишни лойиҳа муаллифларидан кутмаган эдилар.

Лойиҳада эски ва мавжуд адабиёт дастурига қараганда мазмун жиҳатдан эмас, миқдор жиҳатдан ҳам, ҳажм жиҳатдан ҳам 1,5—2 баробар ортиқ материаллар берилган. Амалдаги дастурларда 5-синфларда 15, 6-синфларда 18 ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти, асарларидан намуналар ўрганилар эди. Мактаб ислоҳотига кўра бу кўрсаткичлар камайиши керак эди. Сабаби — ҳозирги 5-6-синф ўқувчиларининг ёшларини, билим савияларини назарда тутиш керак эди. Ваҳоланки, лойиҳа муаллифлари мактаб дидактикаси талабидаги 10-12 ижодкор ўрнига 27-35 ижодкорнинг ҳаёти ва асарларидан намуналар ўрганишни тавсия этмоқдалар.

Эҳтимол, йирик асарлар ўрнига кичик ҳажмдаги асарлар киритилгандир, деган савол туғилиши мумкин. Илгари бу синфларда 5-6 та йирик асар ўрганилса, эндиликда эса 18-20 та шундай эпик ва лиро-эпик асар ўрганилиши назарда тутилган.

Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Соғиниб», «Салом айтинг», Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Уйғуннинг «Ватан ҳақида қўшиқ», Эркин Воҳидовнинг «Нидо», Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» каби асарларини 12 ёшли ўқувчиларга ўқитиб, мазмунини уларнинг онгига етказиш осонми? 5-6-синф ўқувчилари табиатан қувноқ, шўх болалар. Шуни эътиборга олинганда, «Сен етим эмассан» шеъри ўрнига «Шум бола» ёки Ўткир Ҳошимовнинг «Икки карра икки беш» повестидан парча киритиш мақсадга мувофиқ чиқарди.

5-синф ўқувчилари лойиҳага кўра қардош халқлар ва жаҳон адабиёти бўлимида С. Айний, Мустай Карим, Фирдавсий, Марк Твен каби ижодкорларнинг ҳаёти, ижоди ва тавсия этилган асарларидан намуналар ўрганиши керак.

Қизиғи шундаки, кўпчилик манбаларда С. Айний қардош халқлар адабиёти вакили сифатида эмас, ўзбек адабиётининг ривожига маълум даражада ҳисса қўшган адиб ва жамоат арбоби сифатида ўрганилса-да, лойиҳада адибни қардош халқлар адабиётининг вакили деб ўқитиш тавсия этилади. Унинг «Судхўрнинг ўлими» қиссасидан парчани ўқиш 5-синф ўқувчиларининг билим доирасию дунёқарашларини тарбиялашда оғирлик қилади. Фикримизча, С. Айний умрининг охиригача (1954 йилгача) Самарқандда яшаб, шу ерда вафот этган. С. Айний асосий адиблар қаторидан ўрин олса, «Эски мактаб»дан олинган парча ўрганилса ёки «Эсдаликлар»дан берилса, олижаноб иш бўларди.

Бундай ҳолларда, яъни бир адибнинг ижоди ва асарини ўрганишни бир синфдан иккинчи синфга кўчириш ёки асарларини алмаштириш ҳоллари деярли 5-синфдан 11-синфгача давом этиб боради.

Лойиҳа шоира Зулфияхоним ижодини фақат 7-синфда ўқитиш билан чекланади. 9-11-синфларда эса мутлақо тилга олинмайди. Адабиётшунос олимлар давраси ҳам, кенг илмий жамоатчилик ҳам шоиранинг «Мушоира», «Саодатнинг америкалик хонимга жавоби», «Уни Фарҳод дер эдилар» каби асарларини адабиётимиз ёки поэзиямиз саҳифаларидан муносиб ўрин олганини инкор этмайди.

Фикримизча, шоира ижодини 7-синфларда илгари қандай ўрганилса, шундай ўрганиш, «Лобар қизларга» шеърини ўқиш ва таҳлили ўз ўрнида қолиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Номлари юқорида таъкидланган асарлари 9-синфларда ўрганилиши ёки 11-синфга кўчирилиши фойдадан ҳоли эмас.

Хулосалаб шуни айтишни, таклиф қилишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Дастурда 5, 6, 7, 8-синфлар учун берилган кириш қисм, халқ оғзаки ижодидан келтирилган мавзулар, адабиётимиз тарихидан, шунингдек, ўзбек совет адабиётининг ривожига муҳим ҳисса қўшган шоир ва ёзувчилар ва уларнинг асарларидан берилган намуналар қайта кўриб чиқилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

5, 6, 7, 8-синфларда ҳам, айниқса, 5, 6, 7-синфларда ўзбек адабиёти тарихи бўлимида ҳам, ХХ аср ўзбек адабиёти бўлимида ҳам тавсия этилаётган адиблар ва уларнинг асарларини такрорий бериш ҳисобига дастур ҳажми ва мазмунини қисқартириш зарур.

Бизнинг мулоҳазамизга кўра, 5-синфларда Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Хоразмий, Навоий, Лутфий берилса, ХХ аср ўзбек адабиёти бўлимида эса А. Авлоний, Чўлпон, Миркарим Осим, Ҳамза Ҳакимзода, Миртемир, Уйғун, Х. Олимжон, Усмон Носир, А. Мухтор, Ўткир Ҳошимов, Х. Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, С. Айнийларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилса, дидактика қонуни сақланиб қолади.

Синфдан ташқари ўқиш аслида синфда ўрганилаётган асарга мазмун, ғоя жиҳатдан яқинроқ бўлиши қуйи синфларда кўзланган натижани беради.

6-синфларда ҳам ўзбек адабиёти тарихи бўлимида А. Навоий, Саккокий, Дурбек, Бобур, М. Обид, Шермуҳаммад Мунис, Огаҳий, Мукимий, Фурқат, А. Ўтар, ХХ аср ўзбек адабиёти бўлимида эса Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ойбек, Неъмат Аминов, Ғ. Ғулом, А. Қодирий, Мирмуҳсин, Саида Зуннунова, Одил Ёқубов, Ўлмас Умарбековлар ўрганилиши керак.

Гулханий ва унинг «Зарбулмасал» асари яхлит, бир синфда ўрганилса, яхши бўлади. Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» асари ўрнига «Нурхон» асарини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Дастур муаллифлари бизни маъзур тутсинлар. Биз бундай тақсимот қилишни тавсия қилишда, аввало, кўп йиллик тажрибани, ўқувчиларнинг синфлараро ёш хусусиятларини ва билим савияларини назарга олдик.

Биз оддий ўқитувчи сифатида ўз фикр-мулоҳазаларимизни ўз имкониятимиз доирасида талқин этдик. Бу ўринда бирор кимса ёки муаллифга нисбатан жиддий эътирозимиз йўқ.

А. АЪЗАМОВ,
Тошкентдаги 243-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

А. ТУЛАГАНОВА,
197-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Қ. ТУЛАБОЕВ,
230-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

А. ВАЛИЕВ,
Лутфий номли 254-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.



Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ноҳиясидаги Нурсух қишлоғида туғилган Носиржон Рустамов 8 йиллик асирликдан сўнг қадрдон диёрига, муштипар онанзори бағрига қайтди. Унинг қайтиши билан боғлиқ бўлган барча харажатларни «Ўзбекистон» агросаноат биржаси кўтарди.

АЙРИЛИҚНИНГ АЗОБИ ҚУРСИН

Носиржон билан бирга яна икки ҳамюртимиз — Қаюмжон Эрматов (Попдан), Рустамжон Абдукаримов (Андижон вилоятининг Булоқбоши қишлоғидан)лар қайтиши керак эди. Лекин бу нарса бўлмади. Сабабини Носиржондан сўрадик. Ундан «Билмадим, негадир улар келишни хоҳлашмади» деган жавобни олдик. Эҳтимол, бу пайт асирларимиз ҳақида (айтишларича, Ўзбекистондан 50 нафардан ортиқ йигит асирликда эмиш) батафсил маълумотни сўраб-суриштиришнинг мавриди эмасдир. Қолаверса, узоқ айрилиқдан сўнг Исломободдан келган ҳамюртимизни ўнлаб журналистлар, телеоператорлар ўраб олиб, ўзлари учун зарур бўлган нарсани сўрашга интиларди.

Ҳамюртимизни олиб келишда фаоллик кўрсатган кишилар билан суҳбатлашдик.

Вилор Ниёзматов, Ўзбекистон халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитаси ранси:

— Яна икки ҳамюртимиз Ватанга қайтишдан бош тортгани рост. Бироқ бу уларнинг Ўзбекистонга буткул қайтмайди, дегани эмас. Биз барча имкониятларни ишга соламиз. Токи, бирон бир оила, онанинг бағри айрилиқ дийдори туфайли кемтик бўлмасин.

Умматқул РУСТАМОВ, Носиржоннинг отаси:

— Худога шукр, фарзандим бағримга қайтди. Айниқса, ойиси роса қувонадиган бўлди-да! Шу пайтгача еган-ичганимизда ҳаловат йўқ эди. Ёлғиз ўғлимнинг бағримизга қайтишида ёрдам берган барча кишилардан, ҳукумат раҳбарларидан бениҳоя миннатдорман.

Имкон топиб, Носиржонни саволга тутдик.

— Ниҳоят, узоқ айрилиқ азобидан қутулиб, уйингизга қайтдингиз, албатта, юрт соғинчини ҳис этиш, унга эришиш осон кечмагандир.

— Тайёрадан тушганим ҳамоно, она-юртим тафтини сездим. Гўё мен онадан қайта туғилдим.

— Асирлик сизга нима берди?

— Ҳаётнинг нечоғлик мушкул эканлигини ҳис этдим. Айтсам ишонмассиз, мен асирликда ҳақиқий мусулмон бўлдим.

Носиржон шундай деди-ю, биз ишонч ҳосил қилишимиз учунми, билмадим, Қуръони каримдан бир оят келтирди...

Фарғонада бугун тўй. Бугун унинг қалби яна бир йигит билан тўлди...

Алимурод МАМАДАМИНОВ.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) Русия ҳукумати вакили Ион Андронов, асирликдан қайтган Носир Рустамов, Ўзбекистон Халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитаси ранси Вилор Ниёзматов, Носиржоннинг ота-онаси Умматқул Рустамов.

Муаллиф суратга олган.

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

(Боши 1-бетда).

Иншо фақат оққа, бир нусхада ёзилади, топшириқни бажариш учун вилоят ва жумҳурият олимпиадаларида 4 соат вақт берилади. Иншо мазмуни ва саводхонлиги алоҳида-алоҳида 5 балл доирасида, амалдаги меъёр асосида баҳоланади. Иншолар ҳакамлар ҳайъати раиси ва котиби, текширган ўқитувчи томонидан имзоланади. Синф бўйича иншо натижалари ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Ўқувчиси вилоят ёки жумҳурият олимпиадасида иштирок этаётган ўқитувчи ҳакамлар ҳайъатида, шунингдек адолат комиссияси таркибида бўла олмайди.

2. Ҳар бир синф давомида ўрганиладиган адабиёт дастуридан келиб чиққан ҳолда ўзбек халқ оғзаки ижоди, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён қамраб олинган 30 та билет тайёрланади. Ўқувчининг саволларга тайёрланиши учун — 10-15 дақиқа ажратилади. Жавоблар аниқ ва қисқа бўлиши, билетдаги сўроқлар ёритилиши, далилий материаллар билан асосланиши лозим. Бунда ўқувчининг шахсий тайёргарлиги унинг ҳозирги адабий жараён, вақтли матбуотдан хабардорлиги, назарий маълумотларни бадиий асар таҳлилига боғлай билиши эътиборга олинади.

3. Ёддан, ифодали ўқиш. Ўқувчи ўзи севиб мутолаа қиладиган шеърий, насрий ёки драматик асардан парчани ёддан, ифодали ўқийди. Сўнгра ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган нотаниш матнни ўқийди. Бунда ўқувчининг ўқиш суръати, бадиий нутқ малакаси ва ифодали, таъсирчан талаффузи ҳисобга олинади.

Ўқувчига ўзи ижод этган намуналарни ифодали ўқишга рухсат этилади.

4. Синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан суҳбат. Бунда олимпиада қатнашчиси ҳакамлар ҳайъатига ўзи ўқиган бадиий, илмий асарлар рўйхатини тақдим этади. Шундан кейин тавсия этилган асар муаллифи, ёзилиш тарихи, мавзуи, ғоявий-бадиий хусусиятлари, аҳамияти ва адабий жараёнда тутган ўрни ҳақида қисқача маъруза қилади. Ўқувчи билимини баҳолашда нутқининг равонлиги, аниқ ва тиниқ мулоҳаза юритиши, фикрларини далиллаши диққат марказида туриши керак.

5. Грамматик таҳлил ёки она тили бўйича мустақил ишни бажариш.

Беллашув иштирокчилари учун юқоридаги шартлардан бири битилган карточкалар тайёрланади ва мусобақа пайтида тескариси билан ёпиб қўйилади. Ўқувчи ундан битта карточкани олади ва қисқа фурсат тайёргарликдан кейин ўз билимини оғзаки ва ёзма равишда тақдим этади.

Олимпиада топшириқларининг биринчиси 10 балл, қолган тўрт топшириқнинг ҳар бири 5 балл, жами имкониятлар 30 балл доирасида баҳоланади.

Беллашув даврида демократия ва ошкоралиги таъминлаш ғоят муҳимдир. Бунинг учун «Олимпиада экрани» ташкил этилиши, ҳар бир тур топшириқлари адо этилгандан сўнг ҳакамлар ҳайъати беллашув иштирокчилари эришган натижаларни зудлик билан экранга қайд қилиб, умумлаштириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Беллашув қатнашчилари орасида илк ижод маҳсулотлари ноҳия, вилоят ёки жумҳурият матбуотида эълон қилинган истеъдодли ёшлар бўлиши мумкин. Вилоят командалари раҳбарлари олимпиада бошланишидан олдин бундай ёшлар, уларнинг ижоди ҳақида ҳакамлар ҳайъатига хабар беришлари, ўқувчи бадиий ижодига мансуб асарлар тартиб мажмуаларини тақдим этишлари лозим бўлади.

Олимпиада кунларида «Адолат» ҳайъатининг ташкил этилиши, аниқ ва пухта ишлаши, ўқувчилар аризаларини ўз вақтида кўриб чиқишлари, одиллик билан ҳал қилишлари ғоят муҳим, чунки у кўп жиҳатдан беллашувларнинг муваффақиятли, беғараз дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром шароитида ўтказилишини таъмин этади.

Жумҳурият ўқув-методика маркази.

ДАВРГА МОС ТАРЗДА

Андижондаги 10-ҳунартехника билим юрти ўқув устахонасида аёллар кўйлаклари, болалар костюмлари, эркаклар шимлари, чойшаб кабиларни чиқариш йўлга қўйилди. Билим юртида ўқувчиларни билим савиясини ошириш учун шу йилнинг ўзида 8 та ўқув хонаси, тасвирли магнитофон, киноаппарат, телевизор, компьютерлар билан жиҳозлантирилди.

1990-1991 ўқув йилида ишлаб чиқариш таълими усталаридан С. Низомиддинова, М. Ортиқова, С. Ҳайитова, С. Меликов, Ҳ. Эргашев фаоллиги натижасида 100 минг сўм атрофида даромад қилинди. Бу даромад билим юртини замонавий ўқув-жиҳозлари билан бойитишга сарфланди. Ўқувчилар бўш вақтини зое кетказмаслик учун уларни санъат, маданият ва оилага бўлган қўниқмаларини ривожлантириш мақсадида бир қанча тўгарак ташкил қилинди. Билим юрти қошида ташкил қилинган «Орзу» дастаси вилоят кўрик-танловларида биринчи ўринни олди.

Ўқувчилар тиккан кийимкечаклар кўргазмаси уларни янги либослар ҳақидаги тушунчасини янада ривожлантирмоқда. Билим юртида ҳозирги кунда 100 ўринли ўқув устахонаси қуриб битказилмоқда.

Ўқувчиларни яшаш шароитини яхшилаш учун маиший бино қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Ш. КЕЛДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Дружиначиларга эмас, қабиланинг бошқа аъзолари ҳам бошлиққа нисбатан муайян мажбуриятларни адо этар эдилар. Чунончи, Тацитнинг хабар қилишича, мавжуд одатга кўра, «ҳар бир киши ўз чорвасининг ва ердан олган маҳсулотининг муайян бир қисмини бошлиқларга ихтиёрий равишда ажратиб берар эди». Бу — ўлпон эмас, балки ихтиёрий иш эди. Аммо одатга риоя қилмаслик бошлиқ томонидан ҳурматсизлик деб баҳоланиши мумкин эди, бу эса оғир оқибатларга олиб борарди.

Шу йўл билан олинган маблағ ҳам дружинани боқишга кетар эди. Аммо тўхтовсиз урушлар армия тамаддиғининг асосий ва табиий манбаи бўлиб қолар эди.

Варварлар ижтимоий турмушининг умумий тасвири охирида яна бир ижтимоий гуруҳ — кохинлар ҳақида гапириб ўтмоқ керак (кельтлар уларни башоратчилар деса, славянлар сеҳргарлар дер эдилар). Уларнинг тутган ўрни бениҳоя катта эди. Жангларда худо ғалаба ато этиши ва далада мўл ҳосил етилиши уларга боғлиқ эди. Кохинлар келажакни олдиндан айтиб бериш билан шуғулланишар ва асосан афсунгарлик дуоларида ишлатиладиган ўзига хос ёзув-тизимини билар эдилар. Эсингизда бўлса, худолар билан «қариндош» бўлган бошлиқлар ҳам сеҳргарлик расм-русумларини бажариш ва қурбонлик қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

Энди варварлар дунёсининг асосий қадриятларини батафсилроқ кўриб чиқайлик. Бу қадриятларни икки гуруҳга ажратса бўлади: 1. Уруғчилик қадриятлари. Уруғ аъзоларини боғлаб турган қариндошлик ришталарининг муқаддаслиги бу қадриятларнинг асоси эди. Уруғнинг ер-мулкларига алоҳида муносабат, ҳалок бўлган қариндош учун қотилдангина эмас, унинг бутун уруғидан ўч олиш вазифаси, меҳмондўстлик вазифаси ва шу кабилар ҳам шу гуруҳга киради (чунки меҳмон уруғ худоларининг паноҳида бўлади). Варварларнинг тасаввурида бу қадриятлар ўзгармас бўлиб, «оғаинилар (яқин қариндошлар) бир-бирлари билан жанг қилганларида, улар жанггоҳда ҳалок бўлиб», дунё ҳалокатга учрагандагина бу қадриятлар йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бу кишилар жуда мустаҳкам ришталар билан боғланган эдилар, варварларнинг қўшинлари жанг арафасида бамисоли қариндош-уруғлар ёнма-ён тургандек тарзда саф тортишлари шундан далолат бераради.

Дружина муҳити юзага келтирган «қаҳрамонона» қадриятлар иккинчи гуруҳга мансубдир. Уларнинг баъзилари, масалан, шон-шавкат, урушнинг муқаддаслиги, бошлиққа садоқат каби қадриятлар ҳақида юқорида гапириб ўтдик. Яна бир неча қадриятларга тўхталамиз: шон-шуҳрат — ажалдан устун келадиган олий ва шак-шубҳасиз қадриятдирки, у инсоннинг номини асрлар бўйи абадийлаштиради. «Тўда халок бўлса (қариндош ўлса), сен ўзинг ҳам ўлимга маҳкумсан (аммо ўлган кишининг шон-шуҳрати мангу барҳаёт эканини биламан). Пешонага ёзилганидан бошқача бўлмайди — тақдир иплари барча мамлакатлар орқали ўтади», аммо ҳаётнинг маъноси пешонага ёзилганига шунчаки итоат қилишдан иборат эмас, балки курашдан иборатдир.

Омад — дин билан боғлиқ бўлган энг илоҳий тушунчалардан биридир. Омад у ёки бу кишининг нақадар аслзодалиги, худонинг унга нақадар марҳаматлилиги билан белгиланар эди. Ҳеч қандай шахсий фазилатлар омаднинг ўрнини боса олмайди ва ҳеч қандай шахсий фазилатларни четдан олиб бўлмайди. Эрамизнинг IX—XI асрларида ўтган «викинглар даври» ҳақидаги афсоналардан бирида (уларнинг жамияти кўп жиҳатдан варварларни эслатар эди) ўғлини Норвегия қиролига қарши урушга кузатиб қолаётган ота бундай дейди: «...Гарчи жасоратинг ва маҳоратинг кўп бўлса ҳам, қонинг билан олишмоқ учун сенда омад етишмайди». Худоларга энг яқин бўлган турли бошлиқларнинг омади тенгсиз бўлиб, уларнинг дружиналари ва қабилалари улар омон-эсонлигининг гарови бўлиб хизмат қилган. Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, бунга ишонч замирида бошлиқ учун катта хавф ётар эди. «Омадсиз» ҳукмдордан хафсаласи пир бўлган фуқаролар у ёки бу худонинг раҳм-шафқатига муяссар бўлиш учун уни қурбон қилган ҳоллар ҳам маълум.

Шу қадриятлар сирасида ўлжа олиш иштиёқи шон-шуҳрат ва омад иштиёқига жуда яқин турар эди. Бир қарашда шон-шуҳрат билан талончилик ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ. Аммо хулоса чиқаришга шошилмайлик. Гап шундаки, босқинларда олинган ўлжа моддий бойлик дебгина эмас, айни вақтда унинг соҳибининг моддага айланган олий даражадаги омади деб ҳам қадрланар эди. Бу буюмлар кўпинча ҳеч нарсага сарфланмас эди, топилган кўпдан-кўп дафиналар шундан далолат беради. Ўлжага муносабат савдо-сотиқ ёки меҳнат йўли билан орттирилган неъматга бўлган муносабатдан бутунлай фарқ қилар эди. Финларнинг «Калевала» қаҳрамонона достонида бунинг яққол мисолини кўрамиз: «менга дафина даркор эмас, жангда олинган кумуш уйдаги жамики олтиндан, омоч билан олинган кумушдан беқиёс қадрлироқдир».

Варварнинг қуролга муносабати ҳам қадриятлар тизимида муҳим аҳамиятга моликдир. Қурол, айниқса, қилич варварнинг ҳаётида бениҳоя катта ўрин тутади. Афсоналарда энг яхши қиличларни худоларнинг ўзлари ясаб қаҳрамонларга тутқазадилар. Уларнинг дастасига ёзиб қўйилган илоҳий дуолар уларга янада кўпроқ куч бағишлайди. Германларнинг ривоятларида қиличларга жон киритилар ва улар алоҳида хусусиятларга эга бўлар эди. Қилич қиндан суғурилиши биланоқ ҳар сафар ғанимни ер тишлатаверар эди. Бошқа бир қилич эса садоқатли хўжайин учун ўч олади. Учинчиси жангчи қиндан суғуриши биланоқ қўшиқ куйлайди ва олис-олисларда жанг бораётган пайтда ундан қон оқаверади ва ҳоказо. Варвар умр бўйи қуролни ёнидан қўймайди. Балоғатга етган йигитга қилич совға қилинади. Куёв билан келин ҳам бир-бирларига қилич берадилар. Қилични қўлга олиб, қасам ичилади, у жангчи билан бирга қабрга кўмилади. Қурол ҳамиша варварнинг қўл остида бўлади, аслида унинг ажралмас бир қисми бўлади. Ўрта аср шунқорлари айни шу асосда қуролнинг сеҳрли кучига ишонганлар.

Юнон-Рим цивилизацияси билан дуч келган жамиятни жуда умумий тарзда кўриб чиқдик. Уларнинг тўқнашуви оқибати қандай бўлганини қуйида кўрамиз.

Рим ва варварлар. Римликлар ўз тарихи аввалидаёқ варварлар билан биринчи бор танишган эдилар. Эрамиздан аввалги 387 йилда галлар қабилалари (кельтлардан келиб чиққан) Римни босиб олиб, талон-тарож қилдилар. Бу воқеа ҳам, шунингдек галлар йўлдошчиси Бреннинг: «мағлубларнинг ҳолига вой» деган сўзлари ҳам узоқ вақтгача римликларнинг эсида қолди. Шундан кейинги 300 йил давомида то эрамиз бошларигача тинимсиз тўқнашувлар бўлиб турди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Мерос, янгиланиш, иқтидор

НИҲОЛИ-ЕТУКЛАР

Табиат ҳайратомуз воқеалару, ажабланарли ҳодисаларга бой. У инсониятга мозийда ҳам, ҳозирда ҳам ноёб иқтидорларни, ажойиб даҳоларни инъом этиб келган ва келмоқда.

Машҳур Луқмони ҳаким ҳақида эл орасида азалдан турли ривоятлар, ҳикоятлар бисёр. Инсон камолининг юксак пиллапояларига кўтарила олган буюк зотларга мадҳия ўқибгина қолмай, уларнинг ҳали болалигию ёшлигиданоқ ноёб иқтидорга эга бўлганлигидан ҳайратланиш кўзга ташланиб туради.

Луқмони ҳаким ҳақида тўқилган ҳикоятлардан бирида инсон ҳибзи-сиҳатининг пайғамбари шундай таърифланади.

Луқмон эди «ниҳоли-етук»,
Даҳосидан баҳраманд эдук.
Еттида билди юзлаб гиёҳ,
Ҳузурига бемор солди роҳ.
Ўнда шифо берди оёққа,
Зарурат қолдирмай таёққа.
Ўн иккида ўтди буйракка,
Ўн бешида жонбахш юракка...

Мозийда халқ ичидан эрта етишиб чиққан салоҳиятли иқтидорларга «Ниҳоли-етук» дея нисбат берганлар.

Ушбу ҳикоятга эътибор берайлик-а, Луқмон ҳам қадимда ана шундай «Ниҳоли-етук» сифатида эл орасида таниқли бўлиб, шуҳрат қозонгани, унинг мўъжизавий даволаш қобилиятидан одамлар баҳраманд бўлганликлари тўғрисида, етти ёшиданоқ жуда кўп гиёҳларни танигани ва дори-дармон учун ажрата билгани, унинг ҳузурига беморлар нажот излаб йўл солганлари, ҳатто ўн ёшида оёғи мажруҳ бўлган кимсани даволагани-ю, ҳассани бутунлай ташлатгани, ўн икки ёшида ишдан чиққан буйракни соғлом этиб, қайта тиклагани ва сўнг, ўн беш ёшида шунчалик мураккаб аъзо, жонбахшида юракка чуқур назар солгани, уни ўргангани ва дардлисига шифо ато қила бошлагани мисралар орқали содда ва тимсолий баён этилиб, кўз олдимизда гавдалантирилади...

Қадим Бухоронинг маданият осмонидан не-не ёруғ юлдузлар инсониятнинг маънавий ҳаётига нурлар сочмаган, дейсиз. Одатда, осмондан узилиб тушган юлдузлар куяди. маҳв бўлади. Аммо Абу Али ибн Синодек улкан юлдуз Бухоро осмонидан жаҳон маданияти осмонига кўтарилиб, оламга инсоний тафаккурнинг мисли кўрилмаган ёғдуларини сочди, ҳаётнинг жуда кўп соҳаларини чуқур ўрганди, улкан кашфиётларни майдонга келтирди, илм-фан хазинасига, жаҳон нафосат ганжинасига асл дурдоналар қўшиб, беназир маданий меросни миннатдор авлодларга инъом этиб кетди. Ҳа, ибн Сино ҳам «Ниҳоли-етук»лардан бўлиб, ўзининг туғма қобилияти устида бетиним иш олиб бориши натижасида эл орасида жуда ҳам эрта шуҳрат топиб, таҳсинга сазовор бўлган эди. Ибн Сино ёшлигидаёқ ҳаётга, табиат ҳодисаларига, инсон қудратига ихлос боғлаганди, буларга нисбатан зўр қизиқувчанликни эрта билдирганди. Унинг энг дастлабки устози — Нотилий севимли шогирдининг «саволлар дўли»дан баъзида аланг-саранг бўлиб қоларди, ҳатто жавоб беришга қийналиб кетган пайтлари кўп бўлган. Ҳусайиннинг падари-бузруквори ўзига анча тўқ зотлардан ҳисобланиб, унинг хонадонида наинки амалдорлар, балки йирик бадиий ижодкорлару таниқли олимлар ҳам тўпланиб туришарди. Бўлғуси аллома бундай меҳмонларни ҳам яна ўша «саволлар дўли»га юз тутқазарди, хонтахта устидаги ноз-неъматлару ширин таомлар ҳам буёғда қолиб кетиб, ҳамма мўъжизавий туғма қобилият эгасининг антиқа фикр-мулоҳазалари билан «қорин тўйғизиб» кетарди. Ҳусайиннинг отаси меҳмонларни кузатиб, ичкарига қайтаркан, ўғлига асло бу борада танбеҳ ёҳуд таъна изҳор қилмасди, унга қараб, мийиғида илжайиб қўярди-ю, фарзанди бошини меҳрли силарди...

Соз чалишни, шеър ёзишни, гиёҳлардан турлича дори-дармонлар тайёрлашни жуда эрта ўрганиб олган Ҳусайиннинг илмга, нафосатга интилишлари атрофдагиларни лол қолдирарди. У — умрингни илму нафосатга бағишлайман десанг, ўзингдан аввалги илму-адаб аҳлининг ижодини яхши ўрган, хулосалар ҳосил қил ва илғор қадам ташлашга интилгил, деганида бор йўғи 12-13 ёшларда эди.

Ибн Сино 16 ёшидаёқ машҳур табиб сифатида ном қозонган, Шарқдаги қатор шоҳлар ўртасида у талаш бўлган, бири ёш алломаи мададисиночини — мен саройга олиб кетаман деса, иккинчиси — мен бундай қиламан дея, қилични ҳам ишга солган. Шунда зийрак ва адолатпарвар ёш табиб уларга «қилич билан эмас, яхшилик қилиш билан одамни ўзига жалб этмоқ афзалроқ», дея панд берган... Оламга довруғи кетган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодкорлиги ниҳоятда катта бир достон, унинг 240 дан ортиқ дурдона асарлари жаҳон маънавий хазинасидаги бебаҳо бойлик бўлиб, «Тиб қонунлари» мажмуаси эса ярим минг йилдан зиёдроқ вақт ичида Оврупода ҳам ҳибзсиҳатни муҳофаза этиш борасида муқаддас йўлланмаю қўлланма бўлиб хизмат қилиб келди...

Бизнинг замондошимиз бўлган машҳур ўзбек драматурги, таниқли шоир, таржимон, атоқли театр намояндаси ва маорифимизнинг жонкуяр кашшофларидан бўлмиш Шамсиддин Шарофиддинов — Хуршид ҳам ёшлигида «ниҳоли-етук»лардан бўлиб, ўзининг ижоддаги дастлабки, қадамларини жуда эрта бошлаган. Унинг қаламига мансуб дебоча шеърлари Тошкентнинг Хўжатарашкон маҳалласидаги Исмат қори мактабида ўқиб юрган чоғларида, 8-9 ёшларида битилган. Санъат мухлислари Хуршидни машҳур «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» саҳна асарларининг муаллифи бўлган драматург сифатида яхши биладилар. Аммо у иқтидорли шоир сифатида ҳам халқ ўртасида ёшлигиданоқ тез танила бошлаган, мавлоно Камий-Тошкандий тарбиятидан баҳра олиб, камолга етган, Шамсиддин жуда эрта мумтоз шоирлар ғазалларига муҳаммаслар боғлаган, шу жумладан Ҳоиб таҳаллуси билан Ноқис ғазалига ҳам.

Маҳвашо, кўрсат юзинг, то ой таманноланмасун,
Қайсдек мажнунсифат, тоинки лайлоланмасун.
Лаб такаллумдин хамуш этмай памурдо айлаким,
Дур тишинг гавҳар кўриб, халқ ичра аълоланмасун...
Қил такаллуфлар ила обод бу вайрон дилим...
Ҳоиби маҳрум ўлиб, халқ ичра маволанмасун.

Хуршиднинг инқилобдан илгариёқ яратган «Девони Шукрий», «Девони Шоҳидий»лардаги ғазаллар ҳам шеърият ихлосмандларининг, санъат намояндаларининг эътиборини ўзига эрта жалб этган. Машҳур созанда Абдуқодир найчи Андижонда Шукрий ғазалларига мақом куйларини боғлаганди.

Хуршиднинг драматургияга бўлган интилишлари ҳам жуда эрта бошланганди. У ана ўша эски шаҳардаги мактабда ўқиб юрган чоғларида «Қози-қози», «Айиқ ва Али», «Маҳмуд Чапан ва қўппак» каби саҳна асарчаларини битиб, ҳаваскорлар томоша майдончасига олиб чиққанди. Кейинчалик у ўзининг дастлабки кўп пардали асарларидан «Ориф ила Маъруф», «Бечора волида, ёҳуд савдогар хотуни» кабиларни яратди. Хуршид ғазаллари билан таниқли хонандалар ижросидаги «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ»лар ҳам ўткир қалам соҳибини халқ орасида машҳур қилиб юборди.

Ушбу халқ ижодкори ҳақида ҳам эл орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрган ривоятлар, ҳикоятлар талайгина, шу жумладан қуйидагилар ҳам.

Мавлоно Хуршиддан ёшлар сўрабдилар: — Домла, сиз эскичаю янгича анъаналарни ҳам яхшигина биласиз, айтинг-чи, жасадни тобутда олиб кетаётганларида олдига тушиб кетган савоблими, ёҳуд орқасидан юрганми?... Мавлоно жавоб берибдилар: — Олдида кетган ҳам, орқасида кетган ҳам савоб, бироқ унинг ичида айниқса ёш кетмоқ ёмон...

Яна Хуршиддан сўрабдилар: — Дунёда ниманинг эгаси йўқ?

— Ҳамма нарсанинг хўжайини бору, икки нарсанинг эгаси йўқ... — Хўш, нима экан ўша икки нарса, домлажон? Бириси масжиднинг тобути, иккинчиси давлатнинг амал столидир!

Халқимизнинг беназир хонандаси, Ўзбекистон халқ ҳофизи, Меҳнат қаҳрамони Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ҳам «Ниҳоли-етук» сифатида ўз юртдошлари ўртасида жуда ҳам эрта шуҳрат тарата бошлаганди. Бўлғуси ҳофизнинг қўшиқ ижро этишга мойиллиги унинг 5-6 ёшлариданоқ маълум бўлганди. «Маҳкама масжиди» ҳузуридаги Абдулла-қори мактабида таҳсил кўраётган чоғларидаёқ Тўйчи ширали овозини намойиш қилиб, ҳазрат Навоий, Машраб, Ноқис ғазаллари билан қўшиқлар айтиб, ҳамманинг меҳрини қозона бошлаганди. У мавлоно Фузулий ғазали билан ижро этиладиган ашулани «Чорсу»даги чойхонада ўта ёқимли куйлаганида ва санъат ихлосмандларининг зўр олқишига сазовор бўлганида, 9 ёшда эди, холос. 12 ёшида Тўйчи Навоий, Ҳофиз Шерозий, Фузулийларнинг элликдан ортиқ ғазалини ёддан ўқиб юрганида, классик шоирларнинг мақомга боғланган асарларини куйлаб давраларга чиққанида, булбул сифат овозли бу болакайни ҳамма маҳлиё бўлиб тинглаганди. Ана шундан сўнг халқ орасида — Тўйчи ўткир нафасли хонанда, ғазаллару мақомларни яхши ўқийдиган «мулло» бўлибди деган сўзлар кенг тарқалди ва шу-шу Тошмуҳаммад ўғлини «Мулла Тўйчи» дея атайдиган бўлиб қолдилар. Тўйчи ҳофиз кейинчалик жуда катта довруғ таратди, унинг хотирасида 2000 дан зиёд куй ва қўшиқлар сақланиб юрарди. Агар биз ўша вақтларда ҳали куйларни нота ёзувига олинмаганини тасаввур этсак, Тўйчи ҳофиз халқ куйларининг нақадар зўр хазинабони бўлганини янада чуқурроқ идрок этамиз. Машҳур халқ хонандаси ушбу маданий меросни, наинки жумҳурияту мамлакатимизда, балки хорижий юртларда ҳам кенг ташвиқу тарғиб этди. Тўйчи ҳофизнинг ноёб овозини, маданий меросни тарғиб қилишдаги фидоийлигини, Навоию Фузулийдан ашъорларни маромга келтириб ўқишини, ўлкага дастлаб граммафону пластинкаларни келтирганини, хориждаги шон-шуҳратини ажойиб қалам соҳибларидан Муқимий, Фурқат, Нодим, Хислат, Мискин, Хуршид, Таваллолар боқий мисраларда мадҳ этганлар. У Навоий сўзи билан айтиладиган «Ушшоқ»и билан ўзига хос ижрочилик мактабини яратиб, буюклик пиллапоясига янада кўтарилди, ўзига мангу ҳайкал ўрнатди...

Халқ орасидан етишиб чиққан мана шундай машҳур алломалар, қил қалам соҳиблари, беназир санъаткорлар билан қанчалик фахрлансак арзийди, уларнинг хотирасига чироқ ёқмоқ, муносиб эъзозлаб, хотирасини абадийлаштириб туриш ҳам имондан, ҳам инсофдандир.

Ҳа, бу борада бирмунча тадбирлар амалга оширилди, мўътабар зотларнинг номи, қилган хайрли ишлари унут бўлиб кетмаслиги, хотирада сақланиб қолишини кўзлаб муайян ишлар бажарилди. Аммо шундай пайтлар ҳам бўлдики, буюк алломалар, айниқса, ёш авлодлар онгига, маданий интилишларига дурустроқ пайванд этилмади, уларнинг кўпгина кашфиётлари, ижод намуналари эл ичига кенгроқ кириб бормади, хотираси ҳам халқ орасида дурустроқ абадийлаштирилмади, айрим пайтларда бу борада амалга оширилган тадбирлар палапартишлик билан, кенг ва обдон ўйланмай, тор доирада ёндошилиб, ҳатто совуққонлик, камситишлар билан бажарилди.

Биз юқорида машҳур Луқмони ҳаким ҳақида сўз юритдик. Ажабо, ўзимизнинг мана шундай мададсиночимиз (синага мадад берувчи фан, соҳа соҳиби) қадимдан халқ ичида ўзининг довруғи, панд-насиҳатлари, тиббиётга, халқ саломатлигига фидойилиги билан шуҳрат қозониб келаётган бўлса-да, жумҳуриятимиздаги тиббиёт билимгоҳларида ҳар йили ўқишга янги қабул қилинган ёшлар «Гиппократ қасамёди»ни ўқиб, ваъдалар бериб юрсалар. Ахир, ёш мутахассислар Луқмони-ҳаким қасамёдини қилсалар, бунинг нимаси ёмон бўлади?.. Хўш, нима учун Тошкентдаги биринчи тиббиёт олий илмгоҳ шу пайтгача номсиз келаётир?! Ёки мозийимиздану ҳозиримиздан биронта алломамизнинг халқ мададсиноси донишмандининг мўътабар исми топилмаптими?!. Нега энди ушбу илмгоҳга бир пайтлар тиббиёт намояндаси бўлмаган Молотов номини бериш мумкин бўлган экану, эндиликда ўша халқ донишманди Луқмони ҳаким номини, ёҳуд ал-Хоразмий, Шарққа довруғи таралган Каффол-Шошийлар номини бериш мумкин эмас экан.

Агар биз мозийга назар ташласак, Алишер Навоий Ҳиротда, Астрободда «шифоҳия»лар қурдирди, деган сўзларни учратамиз-ку!.. Муассасалар, ташкилотлар, билим масканларининг номи, атамалари ҳақида сўз бораркан, бизда ўзлигимизга қайтиш билан бирга ўзлигимиздан қочиш аломатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, охирги пайтларда негадир «лицей», «гимназия» атамалари қайтадан билимгоҳларга қайтиб келмоқда. Сир эмас, инқилобдан аввалги даврларда бундайлар бизнинг анъанавий, асрлар мобайнида келган атамаларимиздан фарқли ўлароқ, Туркистон ўлкасига чоризм экспансияси туфайли кириб келганди. Ундан кейин «рус-тузем мактаби» кабилар ҳам ўлкада жорий этилиб, тобора кўпайиб борди. Бора-бора ўзимизнинг шарқий, миллий анъанавий номлар, атамалар йўқ бўлиб кетди.

Ҳозирги авлод «Ихлосия», «Дорил-нафосат», «Санои-нафиса», «Дорил-айтом», «Дорил-амония», «Дорил-муаллимин», «Иттифоқи муслимин», «Ширкати муслимин», «Усули жадидия» каби номларни, шарқий, миллий атамаларни билмайди. Очиғини айтсак, бундайларни ҳатто ҳозирги катта авлодга мансуб кишилар, кўпгина тарихчилар, маданият арбоблари ҳам эшитмаганлар, ёҳуд унутиб юборганлар. Қолаверса, мана шундайларни биз ҳатто айрим қомусий манбаларда, сўзликларда, луғатларда ҳам учратишимиз амри-маҳол. Хўш, нега энди биз билмаймиз, ахир улар неча асрлар мобайнида аждодларимизнинг маънавий ҳаётини безаб, ранго-ранг этиб келганди-ку!.. «Шўро» сўзи ҳам инқилобдан аввал бизда қўлланарди — «Шўрои Исломия»ни ёдга олайлик-а... «Ҳайрия жамғармаси» атамасини ҳам худди кеча ё бугун кашф этгандек тарғиб этмоқдамиз, ахир қадимдан шарқимизда «Жамъияти хайрия» уюшмалари бўлган-ку... «Классик асар» деймиз, аслида бунинг ҳам шарқона мазмуни бор. «Нота» ёзуви дея сўз қотамиз, аслида бу тушунча ҳам шарқда таваллуд топган бўлиб, «Нухта» билан мусиқавий ёзув битиш маъносини англатади... Ҳа, маданий меросимизни унутиб қўйганмиз, уларни ўрганиб, бу борада қадриятларни акс этиш лозимдир.

Халқ ҳофизимиз Тўйчи Тошмуҳаммедовни ёд этиб турмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Унинг таваллуд топганига 120 йил тўлганлигини негадир байрам этиб нишонламадик, бу ҳақдаги хату мурожаатларимиз собиқ Ўзкомпартия Марказқўмининг 1986—1988 йиллардаги бошлиқлари столи тортмасида қолиб кетаверди, тайёрланган ажойиб «сценарий» ҳам осилиб қолаверди... Наинки, бу масала, Ўзбекистон Компартияси Марказқўми ва Министрлар Советининг Тўйчи ҳофиз хотирасини абадийлаштириш ва унинг «барельеф»и акс эттирилган мармар тахтани жумҳурият телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси биноси деворига ўрнатиш ҳақидаги қарори ҳам «сувга уриб кетди».

Ўзбекистон халқ ҳофизи, Меҳнат қаҳрамони (бу юксак унвонларга санъаткор 20-йиллардаёқ сазовор бўлганда мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номи билан жумҳурият халқ ҳофизлари кўрик-танловини ўтказиш пайти аллақачонлар келди. Унинг қабри устига қўйилган бетон-тош ҳам асло хизматлари, шону-шуҳратига муносиб эмас, Қозоғистондаги Жамбул, Арманистондаги Саййёд-наволарга шаҳарда ўрнатилган ҳайкалларни кўриб, одам ҳам хурсанд бўлади, ҳам қандайдир ўксийди... Тўйчи ҳофизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китобни нашр этишнинг ҳам пайти келди. Қолаверса, «Меҳнат қаҳрамони» деган унвонни яна қайтадан жумҳуриятимизда тикламоқ даркор. Ахир, 20-йилларда ушбу унвон жуда ўринлик ўйлаб топилган ва меҳнат жараёнида энг юксак намуналар кўрсатган зарбдорларга, бинобарин, улкан санъаткорларга, ажойиб зиёлиларга ҳам берилган, шу жумладан, буюк ҳофиз Мулла Тўйчига ҳам — 1927 йилда «Колизей»да халқнинг эъзозли хонандасига ушбу унвон ёрлиғи, нишонини Акмал Икромов Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоевлар иштирокида топширган. Ана, санъаткорга ғамхўрлигу самимий халқ, эл ҳамда ҳукумат илтифоти... Қани энди, ушбу унвон тикланса-ю, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонига «сазовор» бўла олмаган, санъатимизнинг беназир соҳибларидан Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева каби халққа, маданиятга, ижодиётга бутун умрини бахш этган машҳур эл ижодкорларига берилса ва уларнинг мўътабар кўксига «Меҳнат Қаҳрамони» нишонини жумҳурият Президентининг ўзи тақиб қўйса... Ахир, улар ҳам табиатнинг мўъжизавий инъоми, ўз вақтида «ниҳоли-етук»лар сифатида эл ичига кириб келганлар...

Хўш, 20-йилларда таъсис этилган «Меҳнат Қаҳрамони» унвони нега йўқ бўлиб кетди?!.. Чунки бу ерда ҳам «Марказ»нинг зўр панжаси ўз «қудрати»ни кўрсатди, эндиликда тарих ўсал аҳволга тушириб қўйган «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвони таъсис этилди ва жумҳуриятдаги Меҳнат Қаҳрамони» унвонини сиқиб чиқариб юборди... Ажабо, на социализм ва на ривожланган социализмнинг ўзи қурилмаган экан-ку, унинг номи билан қаҳрамонлик унвонини таъсис этиб юрибдилар!.. Айниқса, сўнгги йилларда бу унвонни шунақанги «қаҳрамонлик» кўрсатганларга бериб юбордиларки, одамлар энсаси қотди, халқ эса бундайлар қандай қаҳрамонлик кўрсатибдилар, деб ҳайрон қоларди...

Машҳур драматург, бадиий навоийномамиз қалдирғочи, атоқли шоир ва йирик театр намояндаси, миллий мусиқий драмамиз пойдеворига тамал тошини қўйган (академик Ю. Ражабий сўзи билан айтганда) ажойиб ижодкор ва салоҳиятли маърифатпарвар Хуршиднинг номини муносиб эъзозлаш, хотирасини абадийлаштириш ҳақида ҳам етарли ғамхўрликлар сўнгги йилларгача қилинмади. Мана 25 йилдирки, унинг бирон-бир асари чоп этилмади, қатор бабаҳо қўлёзмалари чириб, йўқ бўлиб кетди, шахсга сиғиниш даврида «миллатчи», «халқ душмани» деб урилганида маън этилган «Фарҳод ва Ширин» мусиқий драмаси манфур тамға остида ҳалигача ётибди, саҳнада тикланмади, «Сиёвуш», «Ойбону»лар ҳам саҳналаштирилганича йўқ... Қабри устида ҳам муносиб ёдгорлик йўқ. 60-йилларда 130 сўмлик бетон ёдгорлик ўрнатилганича ётибди. Ҳатто турғунлик йилларидан сўнг ҳам унинг ҳаёти, ижоди ҳақида мактаб дарсликларида бирон сўз, ёҳуд ижод намунасидан бирон-бир парча йўқ... Тошкент шаҳар фирқа ва ижроия қўмиталари унинг хотирасини абадийлаштириш ва ёдгорлик ўрнатиш ҳақидаги қарори ҳам чанг босган «папка»ларда қолиб кетаверди...

Хўш, нега эндиликда бу «оқ доғлар»ни бартараф этиш, ўрнини хайрли тадбирлар билан тўлдириш мумкин эмас?! Нима учун Бухоро ёдгорликлари сатҳида Хуршиднинг «Сиёвуш»ини, Тошкентда «Ойбону»сини, Қўқонда «Қўқон хони ва қипчоқлар»ини, Андижонда «Лайли ва Мажнун»ини, Хивада «Фарҳод ва Ширин»ни саҳналаштириб, ана шу беш асардан ўзига хос «Хамса» яратиб, Самарқанднинг қадимий осори антиқалари фонида янги бир шаклу мазмундаги театру кўриги, ёҳуд фестивалини ташкил этиш мумкин эмас!.. Мана, шундай ажойиб тадбирни «Наврўз» ёки «Меҳржон» байрамига боғлаб ўтказилса, ёҳуд «Ипак йўли» тадбирларига уйғунликда ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлурди — ахир ушбу асар мавзулари ва воқеаларининг ривожланиб акс этиши машҳур «Ипак йўли» ва у узра жойлашган Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қўқон, Андижонлар билан ҳам боғлиқ-ку... Агар ушбу фестивалга хорижий юртлардан ҳам меҳмонлар, туристлар, санъат арбоблари ҳам таклиф этилсалар, айни муддао бўлади, «валюта» борасида ҳам манфаатлар кўрилиши мумкин. Бундай тадбир жараёнида «Театр — халқлар дўстлигининг куйчисидир» ёки «Саҳна намояндалари тинчлик ва дўстлик йўлида» каби симпозиум, илмий-тажрибий анжуман ҳам ўтказиш мумкин, унга ЮНЕСКОни ҳам жалб этса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунингдек катта, келгусида халқаро кўрик ёки фестивалга айланиб кетиши мумкин бўлган ажойиб тадбирга ҳомийлар, чет мамлакатдан ҳамфикр ва ҳамкорлар ҳам топилиши мумкиндир. Қолаверса, у ерлардаги ватандошларимиз ҳам жим ўтирмайдилар... Ушбу диққатни оҳанграбодек тортиб кетиши мумкин бўлган фикр-мулоҳазани биз ўртага ташларканмиз, ундан орттирилган даромаддан муайян қисмини кейинчалик ушбу осори антиқаларни сақлашга, муҳофаза этишга, «Оқ сарой» каби обидаларни таъмирлашга, ҳамда янгидан-янги «Ниҳоли-етуклар» етишиб чиқишига, буюк маърифатчиларимизу маданий меросимизни тиклашга ишлатса ҳам бўларди. Санъаткорларнинг ҳам қабрларини обод қилиш мумкин...

Азалдан юксак маданиятга интилиб келаётган ўлкамиз ҳали ҳам инсониятни қувонтирадиган ажойиб иқтидорларни жаҳон маданият айвонига ҳавола этмоқда... Биз бу ўринда Тошкентда таваллуд топган ва Америкада ўтказилган Ван Клиберн номидаги халқаро пианиночилар кўрик-танловида муваффақият қозониб, улкан мукофотга, олқишларга сазовор бўлган, яқиндагина биз «Ниҳоли-етук» сифатида ажабланиб юрган ёш ватандошимиз Алишер Султоновни кўзда тутаётирмиз. Ҳа, кечагидек ёдимизда — ўта шўхчан, бироқ табиатан ниҳоятда қобилиятли бу болакай тунлари қўлини пианинодан узмай машқ қиларди, кундузлари эса, мусиқа мактабидаги ўқишдан қайтгач, Марказ-1 даги болаларни йиғиб, мусиқий чиқишлар қиларди. Шунда қариялар — Халқ санъаткори Замира Ҳидоятованинг бу набираси чақмоққа ўхшайди-я. Бундан албатта келгусида ажойиб ижодкор, машҳур ижрочи чиқади, замон «Ниҳоли-етук»инининг ўзгинаси-я, дердилар...

Ҳа, халқимиз орасидан ноёб ижрочи-санъаткор, машҳур фортепианочи етишиб чиқди. У Оврупо мамлакатларидан Америкадаги танлов-кўрикка ташриф буюрган манаман деган мамлакатларнинг пианиночилари ололмаган мукофотга эришди. Хўш, шундан кейин биз ана шу «Ниҳоли-етук»ни, ажойиб ватандошимизни ўз юртида муносиб кутиб олдикми, тантанали учрашувлар уюштирдикми, ижодкорнинг ўз халқи олдида ҳисобот концертларини ўтказдикми?! Нега энди ана шу ёш иқтидор эгаси бўлган Алишерни буюк иқтидорли бобокалони Алишер Навоийнинг шонли 550 йиллик тўйига бағишланган тантанали кеча концертига таклиф этиш мумкинмас эди?! Ё, буни ватанпарварлик ҳиссиётларини, миллий ғурурни тарбиялашга алоқаси йўқми?!.. У ушбу концерт «программаси»ни антиқа қилиб безарди-ку!..

Сира ёддан кўтарилмайди, 70-йилларда Озарбайжонлик ёш фортепианочи Ф. Бадалбейли жаҳон пианиночилар кўрик-танловида ғолиб чиқди ва Озор эли уни Бокуда миллий қаҳрамондек, ҳа, худди ўз вақтида Чкалов, Папанин, Гагаринларни ҳалойиқ кутиб олгандек қарши олганди... Нега энди бизнинг Алишеримиз ҳам шундай эъзозлана олмас экан, ахир уни Америкадаги муваффақиятдан сўнг қатор мамлакатларга гастролга таклиф қилдилар-ку!..

Эндиликда жаҳонда машҳур бўлиб кетган ана шу Алишер Султонов ҳақида, унинг кундан-кунга қучиб бораётган ижодий зафарлари ҳақида сўз бораркан, савол туғилади — хўш, бу иқтидор ўзи нафосат майдонига кириб келиб қолдими, у қандай қилиб элда, ҳатто хорижий юртларда шуҳрат пиллапоясига кўтарила борди, унинг беназир ижрочи Ван Клиберн номидаги халқаро мукофотни олишгача бўлган парвозининг «трамплин»и, ёҳуд ўзимизча айтганда, парвозгоҳи қаердан, нимадан бошланди?!

Алишер Султонов ҳам бу борадаги тетапояни мактабдан, она-заминдан, кўпгина ёш иқтидорларнинг санъат, нафосат оламига кўприк ташлаб берган ҳаваскорлик санъати кўрикларидан, танловларидан, фестивалларидан, бундан бир неча йиллар аввал Ўзбекистонимизда кенг қулоч ёзиб, анъанага айланиб қолган ўқувчиларнинг «Санъат» байрами» бадиий кўрик-танловидан бошланганди. Ўша йиллар ушбу кўрик-фестиваль боис қанчадан-қанча ёш хонанда, созанда, раққос қизиқчи, қўғирчоқбоз, бадиий ўқиш устаси, шоир, ҳатто бастакор, ўймакор, мўйқалам соҳиби, дорбоз, бахши, кулолчи, сеҳргар-циркчи, жилокор-мисгар, наққош, драматик ижрочи элга танилганди, радио, телевидение орқали халқ ичидан етишиб чиққан ушбу иқтидорларнинг маҳорати билан минглаб, миллионлаб санъат мухлислари танишишга муяссар бўлгандилар.

Эсимизда, ҳатто кекса авлодга мансуб кишилар ҳам — «Халқимиз нафосатга бой-да, ёш иқтидорларни қаранг, навбаҳорда гуллаб очилган лолақизғолдоқдай-я... Худо хоҳласа, парвариш соғлом бўлса, ғамхўрлик ўрнида кетса, булар орасидан янги Ҳалимахониму Сорахонимлар, Тўйчи Ҳофизу Бобораҳимлар, Лутфихониму Мукаррамахонимлар, Аброр Ҳидоят, Олим Хўжаевлар, Юнус Ражабию Сойиб Хўжаевлар униб, ўсиб чиқадилар. Ишқилиб бунингдек самарали, элга нафли, миллий тараққиётимиз учун ўта фойдали тадбирларга завол тегмасин, дердилар. «Қари билганни пари билмас» деганларидек, маданий жараёнимиздаги аччиқ-чучук ҳодисаларни кўравериб, ўзига хос «кароматчи» бўлиб қолган оқсоқоллар беҳудага «раҳна тушмасин» дея, хавотирда бўлмаган эканлар — «Наврўз»га саксонинчи йиллар ўртасида тажовуз бошлаганидан сўнг, ҳеч вақт ўтар-ўтмас, Ўзбекистонда кенг қулоч ёзиб келаётган, ўн саккизта вазирликлар, давлат қўмиталари, ижодий уюшмалару ташкилотлар томонидан самарали уюштирилиб келинаётган ана ўша «Санъат байрами» кўрик-фестивалига ҳам завол тегди...

Ахир, нега шундай қилинди?! Ушбу «Санъат байрами»ни ёш авлод тарбиясидаги ижобий тажрибасини, ҳатто «Советская культура» газетаси ҳам ўзининг чиқишларидан бирида бутун мамлакатга ёйган, унга бир неча катта мақолалар бағишлаган эди-ку!.. Ғолиб чиққан ёш иқтидорлар сазовор бўлган Аброр Ҳидоятов, Қори Ёқубов, Олим Хўжаев, Мухтор Ашрафий Юнус Ражабий, Мукаррама Турғунбоевалар номидаги мукофотлардан чумак уриб, парвоз этмаганмиди ана шу Алишер Султонов халқаро Ван Клиберн мукофотига?!

Э воҳ, бунингдек тажовуз ортида яхшигина пардаланган мақсад ётарди — ахир сўнгги йилларда жумҳуриятда қандайдир ўзига хос уйғониш, халқда, миллатда ўзлигини англашга, ўтмишини дурустроқ идрок этишга интилиш куртак ёзмоқда эди... Ҳозиргидагидек эсимда, ўша вақтдаги Ўзбекистон маориф вазири, таниқли олим Саид Шермуҳамедов, унинг муовинлари Иброҳим Мўминов, Насриддин Раҳмонов, вазирликдаги таълим-тарбия бошқармасининг бошлиғи (ҳозир у халқ таълими вазири) Жўра Йўлдошев билан бирга биз «Санъат байрами» кўрик-фестивали доирасида уюштирилган ёш мўйқалам соҳибларининг кўргазмасини бориб томоша қилдик. Кўргазмада миллий мавзулар, сермазмун мозий, аждодлардан мерос бўлиб қолган қадриятлар, беназир обидаларнинг қай аҳволга тушиб қолгани, инсоний эркга интилиш мевалари яққол урғу топган эди... Хўш, бу тасодифий ҳолмиди? Миллатнинг, халқнинг асрий исканжада уқубатли ҳаёт кечириб келаётганига раддия эмасмиди ва «пичоқ бориб суякка тақалгани»дан гувоҳлик бермасмиди?!

Аввалига ўзбек давлат филармонияси, Алишер Навоий номидаги академик катта театрида ўтказилган ва сўнг Халқлар дўстлиги саройи саҳнасигача кўтарилиб борган ушбу фестивалнинг якунловчи концертида ҳам биз социалистик меҳнат зарбдорларини акс эттирувчи рақсларни эмас, қадимда Ватанимиз Истиқлоли, муқаддас Ҳуррият учун мардона кураш олиб борган буюк аждодларимиз Тўмарис, Спитомен, Жалолиддин, Муқанна қаҳрамонликларини акс эттирувчи мавзудаги дилбар рақслару дардли саҳналарни томоша қилгандик... Хўш, бу ҳам шунчалик тасодиф эдими?! Йўқ, асло! Бу миллий уйғонишнинг ўзига хос аломатлари, Истиқлолни қўмсашнинг бадиий шаклларга безангани эди... Эртанги ўзбек қиз-йигитлари қалбига ўзлигини англаш уруғларини сепиш, ватанпарварлик тарбиясини аланга олдириш шуълалари эди бу!.. Мана, нима учун «Наврўз» байрамидан сўнг «Санъат байрами»га манфур қора панжа ташланган эди! Ўйлаймизки, бунингдек асло унутиб бўлмас тажовузнинг бошқа сир-асрорларини, устомонлик, риёкорлик, лаганбардорлик билан ташланган рахна кирдикорларининг бошқа томонларини ҳали маорифчиларимиз, санъатшунослару мусиқашунослар, маданиятшуносларимиз янада кенгроқ очиб берадилар. Ахир, «Санъат байрами»ни ёвузларча тўхтатиб, йўқ қилиб ташлаш билан маданиятимиз равнақига, ёш авлоднинг маънавий тарбиясига, нафосат тарғиботига озмунча зарар етказилмадими?! Ўйлаймизки, ўзига хос қатағонга учраган «Санъат байрами» танлов-фестивали вазирликлар, ижодий уюшмалару ташкилотлар томонидан қайтадан тикланиб, янада кенгроқ қулоч ёзиб, яна маданий ҳаётимиз жараёнининг ажралмас қисмига айланади. Шундай бўлди ҳам — «Санъат байрами» яна ҳаётга қайтилмоқда.

Очиғини айтганда, «Наврўз» байрами, «Санъат байрами» кабиларга ношуд раҳбар ходимлар тажовузи, валюнтаризми ҳамла қилганида, илм-фан арбоблари, санъат намояндалари ҳам муайян лоқайдлик билан қараб турган эдилар (айрим «исёнчи» олимлар бундан мустаснодирлар). Эндиликда бу жиддий сабоқ бўлмоғи керак, иймон қўнғироғи сергак турмоғи лозим...

Ҳа, масала ёш иқтидорларни жумҳуриятимизда муайян иш олиб бораётган истеъдодли болалар мактабига олиб келиб тарбиялаш ҳақидагина қўйилаётгани йўқ. Бу борадаги муаммолар кенгроқ кўламда олиб қаралмоқда. Хўш, нима учун республикада адабиётшунос, театршунос, мусиқашунос, санъатшунос, жамиятшунос, ҳуқуқшунослар тарбиялаб етиштиришга аҳамият бериб келинмоқда-ю, айниқса, бизнинг давримизда, маънавий маданият борасида жиддий ўзгаришлар, ўзига хос инқилобий бурилишлар кетаётган паллада маданиятшунос мутахассисларни вояга етиштириш ҳақида жиддий ўйланмаётир?! Биз масалани масъулиятлироқ йўсинда сурмоқдамиз — сўз меросини билиш, ўрганиш, ўргатишга бугунги маданий жараённи чуқур идрок эта олишу унинг глобал муаммоларини таҳлил эта олишга лаёқатли, илмий изланишлар олиб боришга ҳам қобилиятли мутахассислар тўғрисида бораётир.

Яна бир масалага диққат-эътиборни қаратмоқчимиз, у ҳам бўлса шу пайтгача негадир 30 ёшдаги ижодкорларни ҳали-ҳали «ёш ижодкор» дея атаб, ҳатто бундайларга ёш иқтидорлар учун белгиланган мукофотларни ҳам бериб келмоқдамиз... Бизнингча, ушбу масалани ҳам «турғунлик асоси доираси»дан олиб чиқиб қараш вақти аллақачонлардир келди. Аҳамият берайлик-а, Луқмони ҳаким, ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Нодирабегимлар ўсмирлик чоғларидаёқ «Ниҳоли-етук»лар сифатида ҳаммани лол қолдирган бўлсалар, Беҳбудий, Тўйчи Ҳофиз, Сўфизода, Ҳамроқул-қори, Хуршид, Чўлпон, Ҳамза, Қори Ёқубий, Тамарахоним, Ҳалимахониму Сорахонимлар навниҳол чоғларидаёқ ўзларининг ноёб иқтидорига, ажойиб санъатига эл эътиборини жалб этган бўлсалар-да, биз ўттиз ёшли санъаткорни у ҳали ёш деб юраверсак... Дурустроқ эслайлик-а, ахир Файзулла Хўжаев 24 ёшида «премьер-министр» бўлди, Усмон Носир бу ёшида қатор шеърий тўпламлар муаллифи эди, Юнус Ражабий ўз устози, машҳур бастакор Шораҳим Шоумаров билан ҳамкорликда бир неча мусиқий драмаларни яратиб қўйганди. Олим Хўжаев машҳур Гамлет сиймосини яратиб, элга довруғ таратганди. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Акбар Ҳайдаровларнинг қўшиқлари Туркистон ўлкасидан ҳам нарида қанот қоқмоқда эди... Халқ ривоятлари, ҳикоятларига, тарихий манбаларга назар ташлайлик-а, ахир кўпгина пайғамбарлар ҳам элни ўз орқаларидан эргаштира бошлаганларида, ўз таълимотларини улкан регионларда ташвиқу тарғиб эта бошлаганларида анча ёш эдилар-ку!!.

Мана шундай, эртанги даладан хирмон йиғаман десанг, кечаги ҳосилни авайла, ундан соғлом, саховатли уруғларни танлаб, она-заминга ташла ва кўкариб чиққач уни меҳр билан, чидаму сабот, ғамхўрлик билан парвариш айла!.. Хуллас, майдонга келаверсин ва камолот сари кўтарилиб, бизни хушнуд этаверсин янгидан-янги «Ниҳоли-етук»лар, оврупоча айтганда, халқдан етишиб чиққан «вундеркинд»лар! Ва биз уларни дурустроқ эъзозлайлик! Авваллари бу жабҳада ҳам имкониятлару азалдан силсила тортиб келган анъаналар чекланган бўлса, иқболли ташаббусларга марказнинг «қудратли панжаси», манфур «шлагбаум»лари ташланиб турган бўлса, эндиликда жумҳуриятимизда эълон қилинган муаззам Истиқлол туфайли мисли кўрилмаган истиқболлар очилмоқда. Хайру саховатли интилишларимизга асло кўз тегмасин!..

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, санъатшунос олим.

Ҳамид АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Саодат ҚОБУЛОВА,
Иттифоқ халқ артисти, профессор.
Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
Абдулла МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор.

Зуфар ҚУВВАТОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.
Ольга КИСЛОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Гулсум РАҲИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари номзоди.
Муаттар СОДИҚОВА,
Муножот НУРМАТОВА,
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият олий илмгоҳининг катта ўқитувчилари.

Қундуз НИШОНБОЕВА,
Гулшан КАТТАХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат маданият олий илмгоҳининг ўқитувчилари.

Балкиз АЛАДДИН

Муҳаммад пайғамбар қиссаси

ТАЪҚИҚ

Шу воқеадан сўнг пайғамбарнинг амакиси Ҳамза мусулмон бўлади. Сўнг Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон имон келтирадилар. Турли тўсиқларга қарамай, Муҳаммаднинг тарафдорлари кўпайиб бораверади.

Буни кўриб, қурайшлар баттар ташвишга тушадилар: «Энди нима қиламиз?» — деб сўрашади улар бирбиридан. —Уни ўлдириб, бир йўла қутулиб қўя қолсак бўлмайдими?» «Йўқ, йўқ! — деб эътироз этишади бошқалар. — Биз бу ишни қилолмаймиз. У Абу Толибнинг жияни эканини унутмайлик».

«Биз Каъбанинг посбонларимиз. Бу ерга бутун Арабистондан зиёрат этгани келишади. Агар Муҳаммад бу ерда ваъз айтаверса, ҳадемай ҳаммани ўз томонига ағдариши мумкин», — деб куйинади улар.

«Ҳа, ҳа, биз одамларни огоҳлантиришимиз керак, — дейди бошқа битттаси.

— Биз, бу ерда бир жинни ваъз айтиб, сизни чалғитмоқчи бўляпти. Ғапига қулоқ солманглар, деймиз».

Қурайшлар Муҳаммад қавми уни жон-дилидан севиб иззат-эҳтиром этиши, ҳатто мусулмон бўлмаганлар ҳам унинг ҳимоясига ҳозир-нозир эканлигини кўриб, қатъий чоралар қўллашга қарор қилишади.

Шу мақсадда улар аҳднома битишади. Аҳдномага кўра, бошқа қавмларнинг одамлари Муҳаммад қавми одамлари билан кўришмасликлари керак эди. Улар билан савдо-сотиқ қилиш ҳам маън этилганди. Шу мазмунда ёзилиб, оқсоқоллар муҳр босган аҳдномани Каъбага элтиб яшириб қўйишади. Шу йўсинда Муҳаммад қавмини Каъба яқинидаги яланг водийда уч йил асоратда тутишади. Белгиланган чегарадан ташқарига чиқармай, кўз-қулоқ бўлиб туришади. Мусулмонлар кўп азоб-изтироб чекишади. Баъзан яширинча келтирилган озгина озиқ-овқатни ҳисобга олмаганда, кўпинча оч қолишади. Эчки терисини чайнаб, сув ичиб, шунга қаноат қилишади.

Уч йилдан сўнг таҳлит чеклаш-таъқиқлашлардан қурайшларнинг ўзлари ҳам чарчаб, безиб қолишади.

«Шу қадар душманчилик нега керак?» — дейди бир кекса чол.

«Энди ишимизнинг натижасига ҳам бир қарайлик. Балки, улар ўзгариб қолишгандир». «Балки, Муҳаммад қавми билан бир битимга келсак, яхшироқ бўлармиди», — деб таклиф этади бошқаси.

Улар Каъбага бориб, у ерда бекитиб қўйилган аҳдномани олишади. Аҳдноманинг барча сўзларини чумолилар еб битирган, фақат «Бисмиқа Алаҳумма» деган ибора қолган эди, холос. «Бу — чинданам муқаддас ёзув», — дейди қурайшлардан бири, «Ҳаққас рост, — дейди иккинчиси. — Биз энди уларга эрк берайлик».

Шундай қилиб, Муҳаммад ва унинг қавмини чеклаган қатағонби бекор этилади. Уч йил давом этган азоб-уқубатлар туфайли Абу Толиб ва Хадичанинг тинкаси қуриган, улар заифлашиб қолишганди. Чеклаш-таъқиқлашлар бекор қилингач, кўп ўтмай аввал Абу Толиб, сўнг Хадича вафот этади. Муҳаммад икки суюкли кишиси, икки мададкоридан айрилиб қолади.

ИККИ МУЪЖИЗА

Ўша даврда Арабистонда бир неча бадавлат, қудратли мажусий шаҳзодалар яшар эди. Улардан бири Ҳабиб ибн Малик эди. Уни доно Ҳабиб дейишарди. Сабабки, у яҳудий ва насроний китобларни ўқир, табиатан яхши одам эди.

Доно Ҳабибнинг Сатиҳа исмли қизи бор эди. Сатиҳа тўсатдан ғалати касалга чалиниб, бир йўла кар, кўр, қўлсиз ва оёқсиз бўлиб қолади. Ҳабиб қизининг қисматига қайғуради. Каъбага келиб, унинг соғайишини тилаб, тоат-ибодат қилади.

Муҳаммаднинг амакилари Абу Суфён билан Абу Жаҳл шаҳзодага учраб Муҳаммаднинг қилмишларидан шикоят қилиб, шаҳзода ёрдамида уни ўлдирмоқчи ёки ҳайдаб юбормоқчи бўлишади. Доно Ҳабиб уларнинг арзини эшитгач, Муҳаммадни ўз ҳузурига чақиради. Буни эшитиб, мусулмонлар қўрқиб кетишади. «Сизга мушкул бир жумбоқни рўпара қилсачи?» — деб сўрашади улар.

Муҳаммад уларга таскин беради, таваккални худога қилайлик, ўзи мушкулимизни осон этгай, дейди.

У кириб борганда, шаҳзода ҳашаматли чодирда духоба болишларга суяниб ўлтирар, атрофида маҳраму мулозимлари хизматга шай бўлиб турашарди.

Доно Ҳабиб Муҳаммаднинг очиқ, дадил, аллақандай нурланиб турган, маъсум ва мусаффо чеҳрасига тикилиб қарайди.

«Эшитишимча, Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборди, демишсан... Шу гап ростми?» —деб сўради у.

«Рост, — деб жавоб беради Муҳаммад, — инсонларни ҳақ йўлига бошлаш учун Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборди».

«Далилинг борми? — яна сўрайди шаҳзода. — Барча пайғамбарлар мўъжиза кўрсатишган. Нуҳнинг камалаги, Сулаймоннинг узуги бор эди. Иброҳим оловга ҳоким эди, амр этиб, уни сўндира оларди. Исмоилнинг қўчқори, Мусонинг ҳассаси бор эди. Исо ўликка жон бағишларди. Қани, сен айт-чи, менинг чодиримда ким бор ва мен уни нега буёққа келтирдим?»

Муҳаммад тиз чўкиб ибодат қилади. Сўнг ўрнидан туриб, дейди: «Ё Ҳабиб, чодирингда қизинг бор. У кўр, кар, тилсиз ва оёқсиз. Сен унга шифо истаб буёққа келтиргансан. Бор, чодирингга кириб, қизинг билан гаплаш».

Ҳабиб ўрнидан туриб, чодирга киради ва соппа-соғ қизи уни ширин табассум ила қарши олади. Ҳабиб буни кўриб, ҳайрону лол қолади.

Сўнгра Ҳабиб Муҳаммаддан яна мўъжиза кўрсатишни сўрайди. Муҳаммад яна тиз чўкиб, ибодат қилади. Шунда ажиб ва ғаройиб ҳодиса рўй беради. Ҳамма ёқни зулмат, қоронғулик қоплайди. Ҳозир бўлганлар ҳайратланиб қараб туришаркан, Муҳаммад бармоғини осмонга қадайди. Шунда кўз очиб-юмгунча ўтган фурсат ичида тўлин ой қоқ иккига бўлиниб, яна бирлашади...

Ҳабиб ҳанг-манг бўлиб, қотиб қолади. У тиз чўкиб дейди: «Ё Муҳаммад, мени ҳақ йўлига бошлагил». Шунда Ҳабибнинг изидан эргашиб, тўрт юз етмиш киши пайғамбарга имон келтиради.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

БЎҒМАДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Бўғма ўта мураккаб ва хавфли хасталикдир. Уни табобат тили билан «дифтерия» деб аташади. Дифтерия юқумли бўлиб, бемордан ҳаво йўллари орқали ҳам юқиши мумкин. Унинг кечиш аломатлари қуйидагича: касалликка чалинган беморнинг томоғи, кўз ва бурни оғрий бошлайди, ҳарорати кўтарилади. Баъзан иситма бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари, овоз бўғилиб, нафас олиш қийинлашади.

Дифтерия ҳалқумда бўлганда баъзан ҳарорат кўтарилади. Томоқ бироз оғрийди, микроб тушган жой яллиғланади. Томоқда оқ-сариғ парда қолади ва бемор онда-сонда йўталади. Дифтерия ўзбек тилида бўғма деб аталади.

Дифтерия бурунда бўлганида, бурундан қонли суюқлик оқади. Нафас олиш қийинлашади. Касаллик кўзни зарарлаганда, кўз шишиб йирингланди.

Тери дифтерияда яранинг битиши анча қийинлашади ва унинг устки қаватини кулранг хира парда қоплайди.

Касаллик, айниқса, болаларда оғир кечади. Агар уч кун ичида болага тиббий муолажа кўрсатилмас экан, оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун касаллик аломатлари пайдо бўлган заҳотиёқ болани дўхтирга кўрсатиш лозим.

Дифтерияга йўлиқмасликнинг энг ишончли йўли бу эмлашдир. Ўз вақтида эмланган бола бу касал билан оғримайди. Сабаби — унинг организмида эмлаш орқали дифтерияга қарши кучли иммунитет ҳосил бўлади.

Охирги йилларда бу касаллик 15—20 ёшлиларда ҳам кўп учрамоқда. Бундай кишиларда касаллик енгил турда бўлиб, аломатларини унчалик сезилмайди. Лекин бундай беморлар назоратсиз қолишлари натижасида бошқаларга нисбатан хавфли бўладилар. Чунки микроблар бундай беморларнинг томоғида, бурнида бемалол яшайверади. Касаллик бошқа соғлом кишиларга, айниқса, болаларга тез юқади.

Шу касаллик туфайли содир бўлган баъзи фактларни билиб қўйиш зарар қилмайди.

Ўтган йили Москвада 688 киши бўғмага чалинганлиги аниқланди. Шулардан 26 таси ўлган. Украина ҳудудида 445 бемор қайд этилган. Ўлганлар сони 22 нафар. Жумҳуриятимизда 10 киши шу касал билан оғриган. Шулардан 8 нафари болалардир. 2 нафар болани асраб қолишнинг иложи бўлмаган. Бу — болалар ўртасида иммунитетнинг пасайиши, уларнинг ўз вақтида эмланмаганлиги, диагнозни аниқлашда хатога йўл қўйилганлиги оқибатидандир.

Мисоллардан кўриниб турибдики, бу касалликка эътиборсизлик нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Д. ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бош бошқармасининг мутахассиси, 1-тоифали шифокор.

ЯНГИЛАНИШ ДЕБОЧАСИ

Мактублар, мактублар... Улар йўлланган манзилгоҳларга нигоҳ ташлайман: Фарғона водийсию Қашқа воҳаси, Амударё соҳилларию Жиззах чўллари — қўйингки, жумҳуриятимизнинг деярлик барча шаҳар ва қишлоқларидан. Муаллифлари ҳам турли соҳа кишилари: олимлар, ўқитувчилар, тарбиячилар, халқ таълими бошқарув идораларининг ходимлари, ота-оналар, ҳаттоки ўқувчилар. Қувонаман: уларнинг ҳамма-ҳаммаси «Маърифат» рўзномамизнинг муштарийлари! Бу муаллифлар таълим-тарбия борасидаги ўз таклиф-мулоҳазаларини, бозор иқтисодига ўтилаётган бугунги оғир кунлардаги дарду ҳасратларини, орзу-умидларини, педагоглар турмуш тарзининг муаммоларини ошкора ёзишган, рўзномада ёритилган кўпгина мақолаларга ўз муносабатларини билдиришган.

Қайта қуриш давридаги жумҳуриятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар: Ўзбекистоннинг Мустақил одимлари, Республика Президенти ва ҳукуматининг ташқи ҳамда ички сиёсати, кам даромадли жумҳурият фуқароларини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш чоралари мактубларда мамнуният билан қўллаб-қувватланади.

«Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар ҳам ўтиб кетади ва унутилади. Аммо кези келганда ўз ҳаётини хавфга қўйиб бўлса ҳам, мустақиллик ва келажак учун фидойилик кўрсатган кишиларни халқ эъзозлайди, абадул-абад эслайди», — деб ёзади Балиқчи ноҳиясидан педагог Маҳмуджон Довудқул ўғли. Қашқадарёлик Ҳусан Ҳакимов «Одамларга саодат улашмоқ — бу уларни бугунгидан яхшироқ, гўзалроқ яшашга, эзгулик сари даъват этиш демакдир», — деб қайд этса, жиззахлик мактаб директори С. Йўлдошев ўз фикрларини шундай баён қилади:

«Худога минг марталар шукрки, жумҳуриятимиз меҳнат аҳли бозор иқтисоди муносабати билан юзага келган қийинчиликларни мардонавор енгиб, мустақиллик йўлида ўз Президенти атрофига жипслашмоқда.

Ижтимоий муҳофаза тадбирлари туфайли ўқитувчилар қадриятига ҳам эндиликда эътибор берилмоқда ва ардоқланмоқда. Неча минглаб ўқитувчиларимиз уйлик-жойлик бўлишди. Ёқилғи ва электр энергияси ўқитувчиларга бепул бўлиши, уларнинг маошлари оширилиши кўрсатилаётган катта ғамхўрлик нишоналаридир». Бундай миннатдорчилик ҳис-туйғулари баён этилган мактублар кўп.

Муҳтарам муштарийларимизга яхши маълумки, рўзномамизнинг ўтган йил 15 октябрь сонида хўжаободлик ўқитувчиларнинг «Дардимизни тингланг, одамлар» мактуби эълон қилинган эди. Ўқитувчи ва тарбиячилар турмуш тарзининг социал муаммолари кўтарилган бу хатни жумҳуриятимизнинг барча шаҳар ва районларидаги педагогик жамоалар қўллаб-қувватлаб, рўзномамиз таҳририятига юзлаб мактублар юбордилар. Улар орасида ҳар бирига 30-50 ва ундан ортиқ киши имзо чеккан Янгиқўрғон ноҳиясидаги 16-, Ёзёвон ноҳиясидаги ўнта мактаб, Баҳористон районидаги 3-, Газли шаҳридаги 17-, 19-, 22-, 34-, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл районидаги 29-, Жарқўрғон районидаги 16-мактаб жамоалари бор. Умуман, талаб ва эҳтиёжларини рўйи-рост баён этган педагогик жамоалар, ўқитувчилар, тарбиячилар, таълим-тарбия иши билан алоқадор ташкилотлар ва муассасалар ходимлари ва бошқаларнинг мактублари 200 дан ортиқдир. Биз уларнинг (жамоалар ва муаллифларнинг бу ўринда рўйхатини келтира олмасак-да) ошкоравий бирдамликлари учун, бозор иқтисоди шароитида муҳим масалани ҳал этишга ўзига хос овоз берганликлари учун чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биз бугун маорифчилар турмуш тарзи тўғрисидаги истаклар амалга ошганлигини — Ўзбекистон Президенти бу борада фармонлар қабул қилганлигини мамнуният билан қайд этмоқчимиз. Энг муҳими, бу фармонларнинг жойларда тўла амалга ошиши учун вилоят, район раҳбарлик идораларининг барча бўғинлари жон куйдириб ишлашлари зарур.

Мазкур мавзуда рўзномамиз «Фармон ва ижро» рукни остида ҳам ижобий, ҳам танқидий материаллар бериб бормоқда. Яқинда эса «Маърифат» яна бир муҳим материални — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга Фарғона вилояти Охунбобоев ноҳияси ўқитувчи ва тарбиячиларидан Очиқ хат («Маърифат», 28 январь 1992 йил, «Ёруғ кунлар келишига ишонамиз!») ни эълон қилди. Бу хатда Президент фармонлари, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари жойларда сусткашлик билан бажарилаётгани қайд этилган. Газетанинг бу материалини халқ депутатлари Фарғона вилояти ижроия қўмитаси кенг муҳокама қилиб, жойлардаги аҳволни ўрганиб, тадбирлар белгилади ва амалга ошираётир. (Бу ҳақда рўзномамизнинг шу йил 8 февраль сонида «Маърифат» материаллари изидан» рукни остидаги босилган ахборотнома билан танишишингиз мумкин).

Ҳозирги кунда Очиқ хатни қўллаб-қувватлаб республикамизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларидаги педагогик жамоалардан, ота-оналардан, мактаб директорлари ва халқ таълими бошқарув идоралари ходимларидан тинимсиз мактублар келиб турибди. Бу хатлар орасида Ўзбекистон район халқ таълими ходимларининг мурожаатномаси, Бухоро районидаги 25-, Бахмал районидаги 2-, Риштон районидаги 5-, Қизилтепа районидаги Ҳ. Олимжон номли мактабларнинг жамоалари, Когон районидаги 1750 ўқитувчи ва тарбиячи номидан мактуб, Нурота ноҳиясидаги 8-мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчиси М. Ражабов, Қамашидаги 17-мактабнинг физика муаллими Х. Қодиров ва бошқаларнинг истаклари бор. Мактублар далолат беришича, жойларда Президент Фармонлари ижросида камчилик ва нуқсонлар бор. Ўйлаймизки, мазкур Очиқ хатда кўтарилган масалалар бўйича вилоят, район раҳбарлик идоралари ҳам ўз муносабатларини билдирадилар ва «Маърифат» рўзномасига Президент фармонларининг бажарилиши борасида хабар-маълумотларини йўллайдилар.

Шубҳасиз, ўқитувчи турмуш тарзининг яхшиланиши таълим-тарбия ишини тубдан ўзгартишда муҳим омилдир. Шу жиҳатдан 1991 йилда халқ таълими тизимида ўтказилган навбатдан ташқари аттестация ҳам катта ижтимоий воқеа бўлди. Бу борада газетхонлардан жуда кўп хатлар олдик. Фарғона вилоятидан Н. Ҳайдаров, Бўка ноҳиясидан Д. Темиров, Наманган вилоятидан Р. Раҳимов, Хоразм вилоятидан Ж. Сотиболдиев, Сурхондарё вилоятидан Ч. Фармонов ва бошқалар аттестация масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Бир гуруҳ муаллифлар ўқитувчи ва тарбиячиларнинг иш стажларига қараб ҳақ тўлаш маъқул эканлигини ёзишса, Бўка ноҳиясидаги Бобур номли 7-ўрта мактаб илмий бўлим мудири «Иш стажларига қараб ҳақ тўлаш бу ўқитувчининг ижодий-ишлашига тўсқинлик қилади», — деб таъкидлайди ва амалий фаолиятдаги қатор далилларни келтиради. Бизнингча, иш стажидан қатъий назар изланувчан, тажрибакор, ижодкор, ташаббускор, муаллим ва тарбиячилар, халқ таълими бошқаруви ходимлари ҳамиша қадрланишга лойиқ. Аттестация комиссиялари ана шуни асосий мезон қилиб олишлари эса табиий бир ҳолдир.

Мактублар орасида миллий мактаб муаммолари, эски ўзбек тилини ўқитиш масалалари, таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасига таклифлар, таълим-тарбия дастурлари юзасидан мулоҳазалар, газетамизда ёритилган турли мақолаларга билдирилган фикрлар, республикамиздаги воқеаларга муносабатлар ҳам бор. Бухоролик А. Гулбоев, М. Азизова, андижонлик А. Назаров, Ш. Келдиев, сирдарёлик Т. Худойназаров, Қорақалпоғистон жумҳуриятидан Ҳ. Худоёров, А. Матназаров, Сурхондарёдан Абдусамат Эргаш ўғли, Самарқанд вилоятидан К. Искандаров, Тожикистондан С. Тюбоева, шунингдек тарихни тўғри талқин қилиш, педагогик ўқишларга тайёргарлик, атоқли педагогларимиз номини абадийлаштириш, ўзбек тили атамалари муаммолари тўғрисида жаъми 150 дан ортиқ хат (бу ўринда муаллифлар номини биз қайд этолмадик) ана шулар жумласидандир.

Шуни таъкидлаш керакки, аксарият мактубларнинг муаллифлари рўзномамизда босилган мақолаларда айтилган фикрларни у ёки бу шаклда такрорлайдилар, ҳатто муҳим мавзуларни қаламга олсалар-да, умумий гаплар билан баён этадилар, аниқ далиллар келтириб, шарҳламайдилар. Айрим шахсларга, мутахассислар фаолиятига бағишланган материалларда эса таржимаи ҳолни қуруқ баён этишдан нарига ўтилмайди. Ҳолбуки, бундай материалларда фаолиятнинг ҳамма учун ибратли қирралари — шахснинг фазилатларидан тортиб ижодкорлик услубларигача ёрқин чизгилар орқали кўрсатиб берилиши лозим. Шундагина бундай талқиндаги мақолани ўқиган муштарий ундан наф олади. Муаллиф рўзномага мактуб йўллашдан олдин бу мақоласи кўпчиликка қандай фойда беришини мулоҳаза қилиб кўрса, мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Умуман, ҳар бир мактуб замирида, у қандай мавзуда ва қандай савияда ёзилишидан қатъи назар, замондошимизнинг қалб қўри, дарди, бугунги халқ таълимига муносабати озми-кўпми акс этгани қувонарлидир. Муаллиф қайта қуриш даврининг у ёки бу масаласида ошкора жон куйдириб ёзар экан, демак, у изланяпти, истиқлолнинг ёрқин нурига талпиняпти. Бу интилиш эса янгилаш, янгиланиш дебочаси эканлигига ҳеч шубҳа йўқ.

М. РАҲМОНОВ.

• *Мактабгача тарбия муассасаларида*

Навоий вилояти Конимех районидаги «Алёнушка» болалар боғчасининг аҳил жамоаси кичкинтойлар тарбиясига катта масъулият билан қарайди. Бу ерда мавжуд бўлган турли-туман ўйинлар ўтказиш бўйича қимматли қўлланмалар тарбиячилар фаолиятида жуда қўл келяпти. Сиз суратда кўриб турган лавҳалар ҳамиша ва ҳозирда қувноқ, зеркарсиз ўтаётган боғча болалари ҳаётини акс эттирган.

А. ЧАПЛИГИНА суратлари.

ЎСИБ КИМ БЎЛАСИЗ, БОЛАЖОН ?

«Бола бир ёшга тўлгунча унда бўлажак қувваи ҳофизасининг 20 фоизи шаклланиб улгуради. Қувваи ҳофизасининг 50 фоизини у 4 ёшга киргунча, 80 фоизини 8 ёшгача, 92 фоизини эса 13 ёшга қадам қўйгунча ўзида мужассам этиб бўлади. Боланинг келажакда қанчалар камолга етиб, қай чўққиларга кўтарила олишини унинг ана шу 13 ёшлигидаёқ чамалаш мумкин». Олимларимизнинг ушбу хулосасига амал қилсак, унда келажагимиз эгаларининг камолотини дастлабки йилларда оилада ва мактабгача тарбия муассасасида берилган тарбия белгилашига амин бўламиз. Бу эса маориф соҳасида мактабгача тарбияга бўлган эътиборни кучайтириш зарурлигини тақозо этади. Хўш, тарбиянинг бу муҳим бўғинида ишлар қандай бормоқда? Бозор иқтисодиётига ўтиш бу муассасалар фаолиятига қандай таъсир этяпти? Шу ва бошқа бир неча саволлар билан Тошкентдаги 398-боғчага ташриф буюриб, муассаса бош тарбиячиси Румия Равиловага мурожаат этдик:

— Румия Собитовна, рости, айнан сизнинг боғчангизга келишимизнинг сабаби бор. Таҳририятимизга бу боғча фаолияти, унинг тарбиячилари, жумладан М. Гаспарьянц ҳақида ижобий фикрлар билдирилган мактуб келди. Мактубни ўқигач, пойтахтимиздаги энг ажойиб боғчалардан бирига ташриф буюрамиз, деб хаёл қилгандик. Бироқ боғча атрофидаги тартибсизлик, ҳар ерда қурилиш-таъмир ускуналари, асбоблари сочилиб ётганлиги боғча ҳақидаги илк таассуротларимизни бироз хиралаштирди.

— Гапингиз тўғри. Биз — тарбиячилар ҳам, болалар ҳам қарийб бир йилдан буён мана шу аҳволга чидаб-кўникиб келяпмиз. Боғчамиз ўтган йилиёқ таъмирланиб бўлиши лозим эди. Бироқ 1-қурилиш-созлаш бошқармаси қурувчилари бунинг уддасидан чиқишолмаяпти. Улар бунга қурилиш ускуналарининг камлигини важ қилиб кўрсатишмоқда. Бу тартибсизликлар болаларнинг эстетик тарбиясига салбий таъсир этаяпти.

Мактуб масаласига келсак, ҳар ҳолда қанчалик мушкул бўлмасин, вазиятдан чиқишга, ишларни яхши йўлга қўйишга қаттиқ интиляпмиз. Ота-оналарнинг ишимиздан мамнун бўлаётганлигининг сабаби ҳам шунда, менимча.

— «Вазиятдан чиқиш» деган ибора қўлладингиз. Бу айнан нималарда зоҳир бўлади?

— Маълумки, боғчада болаларнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун ноҳия халқ маорифи бўлими бизга тегишли миқдорда пул ажратади. Очиғини айтадиган бўлсак, бу маблағ эҳтиёжга нисбатан жуда кам. Бунинг устига савдода ўйинчоқлар, қоғоз ва шу каби зарур нарсалар камлиги аҳволимизни баттар мушкул қилиб қўйди. Шунда жамоамиз аҳли билан келишган ҳолда биз ўз қўлимиз билан турли ўйинчоқлар ясай бошладик.

—Боғчада ҳар бир бола учун кунига қанча сўм сарфлаш белгиланган, бу етарлими?

— Нархлар ошгунга қадар боғчамизда ҳар бир болага 2 сўм 66 тийиндан сарфлашга тўғри келаётганди. Ундан сўнг бу борада қандай ўзгаришлар бўлганлигидан ҳозирча бехабарман. Аммо, айтишим мумкинки, ажратилаётган маблағ жуда-жуда кам. Илгари сут ва сут маҳсулотларидан камчилик сезмасдик. Эндиликда сутни ҳам кунора олиб келадиган бўлишди. Болаларга иқтисодий аҳвол мураккаблигини «тушунтириш» қийин бўляпти.

— Кейинги пайтларда жумҳуриятимиз сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тарбия йўналишига қандай таъсир кўрсатди?

— Муқаддас она тилимизга давлат тили мақоми берилиб, жумҳуриятимиз мустақил бўлиши ишимизда жиддий ўзгаришлар қилишимизга имкон яратди. Боғчамизда «Бойчечак» ва «Кичкинтой» деб номланган икки миллий гуруҳ қабул қилина бошланди. Қолган ўнта оврупо гуруҳига ҳам ҳафтада икки бор давлат тилини ўргатишни кўзда тутадиган машғулотлар ўтказиш ташкил этилди. Бу гуруҳларда Д. Абдубоева, Ф. Раҳимова Г. Маҳмудова, Н. Ғозиевалар машғулотларни ўйин усулида ўтказадилар. Илгари тарбия умумий қолипда фикрлашга асосланган бўлса, эндиликда боланинг ўзига хос фикрини шакллантиришга, жиддий аҳамият берилмоқда.

— Боғча мудираси Нина Буянова билан учраша олмадик. Шу сабабли сўз сўнгида ҳамкасбингиз Маргарита Гаспарянц ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз. Унинг болалар ва ота-оналар меҳрини қозонишига сабаб нимада деб ўйлайсиз?

— Маргарита Михайловна бизнинг соҳамизга бахтли тасодиф туфайли ўтиб қолган, десам тўғри бўлар. Чунки у аввалига Душанбеда тиббиёт билим юртини тугатган. Бир неча йил шу соҳада акушер-гинеколог бўлиб ишлаган. Боғчамизга ишга ўтишига унинг бизда тарбиялланган икки фарзанди сабаб бўлди.

Болаларни дилдан севиш, улар билан тенгдош ўртоқдек, вақти келса меҳрибон онадек муносабатда бўла олиши М. Гаспарянцни ширинтойларнинг севимли мураббийсига айлантирди.

Дарҳақиқат, ҳамкасблари орасида эътибор қозонган М. Гаспарянц иши билан танишиб, болалар, ота-оналар билан суҳбатлашгач, биз юқоридаги сўзлар ростлигига амин бўлдик. Бироқ бу мураббия каби аёллар борлигидан қанчалик қувонган бўлсак, боғчадаги етишмовчиликларни эслаб шу қадар хазинлашдик. Пойтахтдаги аҳвол шу қадар мураккаб бўлса, қишлоқ жойларидаги мактабгача тарбия муассасаларида аҳвол қандай экан, деган хавотир кўнглимиздан кетмас эди. Боғча ҳовлисидан узоқлашар эканман, бири-биридан беғубор болажонларга боқиб, «ўсиб ким бўласиз, болажон?» дея сўрагим келарди

Кўпайсин АЛИЕВА.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12